Ном қўйишда эҳтиёткорлик керак 4-бет

**Ishonch**

*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

2008-yil 1-may
№ 55 (2468)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✱ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✱ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



3545 та ёлғончи 4



Aроқ — умр заволи... 5



Шеърият гулшани 6



Дўзах домидан нидо 11

25 километрлик кўприк қурилармиш... 15

Ракурс

## Исмимизни тўғри ёзолмаймиз...

Афсонага ишонсак, жамики махлуқот «гилдан бино бўлган Одам нега улуғланди?» дея исён кўтарганида Ўзидан шундай садо келган экан: «Одамга исм илми аён бўлди». Шу боис бўлса керак, одамзот тақдирини кўпинча исми белгилайди. Бу ҳолатни баъзан улуғвор исм қўйилса, чақалоқнинг бетўхтов бетобланиши, алал-оқибат «исмни кўтаролмас»лиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Модомики, исм илоҳий экан, уни тўғри талаффуз қилиш ва ёзиш — бурч, бурчни ўтамаслик — хиёнат, хиёнаткорнинг жазоси эса таҳқиротдир...

Идорага кирасиз, қўғирчоқдай бежирим котибалар қоғоз тўлдираётиб, исмингизни сўраркан, қош чимиради: «Паспортда қанақа?..» Ҳужжатларда эса «шунақабунақа»ки, айтгилиги йўқ. Аслида айб котибаларда ҳам эмас, бугун одамдан кўра қоғозга кўпроқ ишонишади.

Матбуотни варақласам, мустақилликка эришилган пайтлар исм-фамилияни ўзгартириш ҳақида баъзи бир ҳаракатлар бўлган экан. Бироқ айрим «чиновник»лар «ов-ов» «вич-вич»дан воз кечолмаган чоғи, бугун ҳам, Қозиевлар — Қазиев, Холтоевлар — Халтаев, Тўхтаевлар — Тахтаев бўлиб юрибди. Ишонмасангиз, газеталарнинг байрам сонларидаги мукофотланганлар рўйхатига бир қур назар солинг: дод демасангиз, мен кафил...

Эҳтимол, ушбу масала яна бир карра кўтарилар, ахир мустақил миллат вакилларининг исм-шарифи ҳам ўзига хосу мос бўлиши керак эмасми?!.

**Умид ҒОФУР ўғли**







*Тошкентда мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бошланди.*

**Мазкур Олимпиадада МДҲ мамлакатларидан ташқари, Болтиқбўйи давлатлари, Болгария, Руминия ва Македониядан ҳам ўқувчилар иштирок этади. Ўзбекистонлик ёшлар ушбу Олимпиадада 1997 йилдан буён мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўтган даврда вакилларимиз 7 медални қўлга киритган.**

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 январда қабул қилинган кимё фанидан мактаб ўқувчиларининг 42-халқаро Менделеев олимпиадасини Тошкент шаҳрида ўтказишга оид қарорига кўра халқаро беллашувни юксак савияда ташкил этиш учун зарур чоралар кўрилди. Олимпиада 2 хил — назарий ва экспериментал йўналишларда ўтказилади. Тадбир ўтказиладиган жой — Москва давлат университетининг Тошкент филиалида Олимпиада тарихида илк бор барча иштирокчиларнинг бир вақтда, бир бинода экспериментал тур бўйича масалаларни бажариши учун шароит яратилди. Ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган жой зарур кимёвий асбоб-ускуналар ва реактивлар билан жиҳозланди.**

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига 2008 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичларимиз: 133, 134

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қорақалпоқ халқининг бетакрор санъати ва маданиятини янада равнақ топтириш, истеъдодли ёшларни миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналари руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, замонавий театр ва кино, телевидение ва радио йўналишлари бўйича юқори малакали актёрлар ва санъатшунослик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1.Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали (кейинги ўринларда Нукус филиали деб юритилади) ташкил этилсин.

2.Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Нукус филиалининг ўқув биноси ва аудиторияларини санъат соҳасига хос ўқув-ижодий жараёнларнинг алоҳида талаблари асосида реконструкция қилиш ва таъмирлаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилгани ҳамда ушбу ўқув даргоҳини Нукус шаҳри, Ҳурлиман қиз бахши кўчаси, 37-уйга жойлаштириши ҳақидаги таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

3.Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда Нукус филиалининг ташкилий тузилмаси ва Низомини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4.Нукус филиалида 2008-2009 ўқув йили учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича жами 25 та - шундан 10 таси давлат грантлари ва 15 таси эса тўлов-контракт асосида - қабул квоталари белгилансин. Ушбу квоталар «Актёрлик санъати» таълим йўналишига - 15 та (6 та давлат гранти ва 9 та тўлов-контракт асосида) ва «Санъатшунослик» таълим йўналишига - 10 та (4 та давлат гранти ва 6 та тўлов-контракт асосида) миқдорида тақсимланиб, таълим жараёни қорақалпоқ тилида олиб борилиши белгилаб қўйилсин.

Келгуси йиллар учун қабул квоталари мазкур соҳа мутахассисларига бўлган реал талаб-эҳтиёж ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилсин.

5.Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда:

2008 йил 1 сентябридан эътиборан Нукус филиалининг фаолияти ва ўқув жараёнини тўлақонли ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

белгиланган давлат таълим стандартлари ва таълим йўналишларига мувофиқ, филиални ўқув дастурлари ва режалари ҳамда дарсликлар, ўқув адабиётлари, шунингдек, ўқув-услубий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминласин;

ўқув биноси ва аудиторияларни, маҳорат синфлари, студиялар ва бошқа зарур хоналарни замонавий компьютер ва асбоб-ускуналар ҳамда махсус лаборатория анжомлари билан жиҳозласин;

Нукус филиали профессор-ўқитувчилар таркибини етук илмий-педагог кадрлар билан таъминлаш, Қорақалпоғистон Республикасининг санъат соҳасидаги етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритаётган, юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни филиал ўқув жараёнига жалб этиш, шунингдек, ушбу даргоҳларда филиал учун мунтазам равишда ёш илмий-педагог кадрлар тайёрлаб бориш бўйича ташкилий-амалий ишларни йўлга қўйсин.

6.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Нукус филиали фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни ажратсин;

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йилги тегишли харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида

Юқори тоифали теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларда Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўла оладиган мамлакат терма жамоалари захирасини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Теннис федерациясининг Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Республика теннис мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техника базасини ва малакали мураббийлар таркибини яратиш;

зарур ҳолларда хориждан мураббий-мутахассисларни таклиф этиб, ўқув-машғулот жараёнларини теннис соҳасидаги энг янги ўқув-методик тавсияномалар асосида ташкил этиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, теннисчиларнинг касбий сифатларини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон терма жамоалари тайёргарлиги даражасини замонавий теннисни ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ошириш;

теннисчилар ва мураббийлар таркибининг касб маҳоратини ошириш бўйича тажриба алмашиш борасида хорижий теннис мактаблари, академиялари ва клублари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент теннис маркази» ОАЖ спорт мажмуасини белгиланган тартибда Республика теннис мактаби балансига бепул ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Теннис федерацияси ва «Даварxитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда бутун мажмуани 2008-2009 ўқув йили бошида ишга туширишни назарда тутган ҳолда Республика теннис мактаби ўқувчиларининг яшаши ва овқатланишига, ўқув-машғулот жараёнлари учун мўлжалланган бинолар ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга оид зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрласин;

2008 йилнинг 1 августигача Республика теннис мактабининг бинолари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ якунланишини таъминласин.

5. Белгилансинки:

Республика теннис мактабига фақат танлов асосида, теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, теннис билан шуғулланиш учун зарур спорт аломатларига ва юқори даражали теннисчиларни тайёрлаш учун тегишли салоҳиятга эга бўлган иқтидорли йигит ва қизлар орасидан қабул қилинади;

Республика теннис мактаби ўқувчилари юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш махсус дастури бўйича, теннисчиларни тайёрлаш кенг халқаро тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқитилади;

Республика теннис мактаби ўқувчиларнинг бадаллари, ҳомийлар ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Республика олимпия захиралари теннис мактабининг Васийлик кенгаши иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг биргаликдаги тақдимномаси бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига янгитдан ташкил этилаётган Республика теннис мактаби бинолари ва иншоотларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ҳамда уларни жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмларини қайта тақсимлаш йўли билан қўшимча капитал қўйилмалар ажратилишини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2008 йилда ўқувчиларни овқат, спорт буюмлари, форма, асбоб-ускуналар ва анжомлар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Республика теннис мактаби таъминоти учун маблағларни излаб топсин, 2009 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Васийлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Теннис федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда:

Республика олимпия захиралари теннис мактаби тўғрисида Низом, унинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони;

ўқувчиларни Республика теннис мактабига танлов асосида саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби;

Республика теннис мактаби ўқувчиларини яшаш, овқатланиш, спорт буюмлари ва формаси билан таъминлаш нормативлари;

Республика теннис мактабини 2008-2009 ўқув йили бошланишигача зарур ўқув, машғулот ва маиший асбоб-ускуналар, ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш учун замонавий компьютер техникаси ва ахборот-ресурс маркази билан жиҳозлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Республика теннис мактаби 2013 йилнинг 1 январигача:

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган олиб келинадиган спорт анжомлари, асбоб-ускуналар ва материалларга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан;

бўшайдиган маблағларни Республика теннис мактабининг устав вазифаларини бажаришга мақсадли йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилсин.

Белгилансинки, юридик ва жисмоний шахслар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича солиққа тортиш базаси 5 йил муддатга Республика теннис мактабини қўллаб-қувватлаш мақсадларига ҳомийлик (беғараз) ёрдам сифатида ўтказиладиган маблағлар суммаси миқдорида камайтирилади.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

**Кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар, соғлиқни сақлаш объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оширишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида лойиҳа-тадқиқот ишлари ҳажми сезиларли равишда ошганини қайд этиш зарур.**

**Шу билан бирга, лойиҳалаш ишларини ташкил этиш борасидаги жиддий камчиликлар амалга оширилаётган инвестиция жараёнларига тўсқинлик қилмоқда ва уларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда. Аксарият хусусийлаштирилган лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолияти лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш бўйича замон талабларига жавоб бермайди. Лойиҳалаш ишлари сифати ҳам сезиларли равишда пасайгани кузатилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари кўпинча ваколатли экспертиза органлари томонидан қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилмоқда.**

**Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари амалиётига лойиҳалаштиришнинг замонавий услублари, жумладан, лойиҳалаш ишларини автоматлаштириш ва амалий дастурий маҳсулотлар суст жорий этилмоқда.**

**Ёш ва истиқболли лойиҳачи кадрларни кўпайтиришга етарли эътибор қаратилмаётгани, республикамизнинг ушбу йўналишдаги олий ўқув юртларида уларни тайёрлаш сифатининг талаб даражасида эмаслиги натижасида аксарият лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг малакаси пастлигича қолмоқда.**

**Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг истиқболли ва иқтисодий жиҳатдан самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш, моддий- техника базаси ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, шу асосда ишлаб чиқиладиган лойиҳалар сифатини жиддий ошириш мақсадида:**

**1. Низом жамғармасида давлат улуши камида 51 фоизни ташкил этадиган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Қуйидагилар қайд этилган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

**ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда иштирок этиш;**

**илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, лойиҳалаштиришнинг замонавий ва илмий жиҳатдан асосланган технологик тартибини ишлаб чиқишда иштирок этиш;**

**объектларни автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг, жумладан, қурилишнинг илғор ва янги турдаги қурилиш материалларини қўллашни кўзда тутадиган замонавий технологияларини жорий этиш;**

**муаллифлар томонидан лойиҳалаштирилган объектлар қурилишининг барча босқичларида сифатли муаллифлик назоратини таъминлаш;**

**илмий-тадқиқот институтлари ва етакчи олий ўқув юртларини жалб этган ҳолда, юқори технологик услублар ва ускуналарни халқаро стандартлар даражасида қўллашни кўзда тутадиган лойиҳалаштириш жараёнларига замонавий меъёрлар ва стандартларни татбиқ этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;**

**ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлари талабаларининг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташида, ўқитувчиларининг тажриба орттиришида, уларга автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг замонавий технологиялари бўйича материаллар ҳамда услубларни тақдим этиш борасида кўмаклашиш.**

**2. Ўзбекистон Республикасида Лойиҳалаш ишларини такомиллаштиришга оид комплекс тадбирлар 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.**

**3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:**

**етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг лойиҳалаш фаолиятини мувофиқлаштириш;**

**шаҳарсозлик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари буюртмачиси бўлиш вазифаси юклатилсин. Бу мазкур ишларни қурилиш меъёрлари, қоидалари ва стандартларига киритишни, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида янги концепцияларни яратишни ҳам ўз ичига олади.**

**4. 2008 йилнинг 1 майидан етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари асосий фаолият тури бўйича 3 йил муддатга фойда ва мулк солиғини тўлашдан, шунингдек, давлат улуши бўйича дивидендларни беришдан озод этилсин, бўшаган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мутахассислар малакасини оширишга мақсадли йўналтирилсин.**

**Белгилансинки, солиқ солишдан бўшаган маблағлар, шунингдек, давлат улуши бўйича дивидендлар 1-иловага мувофиқ белгиланган тартибда етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари низом жамғармаларига давлатнинг қўшган ҳиссаси сифатида капиталлаштирилади.**

**5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2008 йил 1 июлгача:**

**Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент кимё-технология институти раҳбарлари ҳамда ихтисослашган кафедралари мудирларини аттестациядан ўтказсин;**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда юқорида номлари қайд этилган олий ўқув юртлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида техника йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган бошқа олий ўқув юртларида ўқув режалари ва дастурларини қайта кўриб чиқсин, бунда саноат, инфратузилма ва фуқаролик объектларини лойиҳалаштириш соҳасида лойиҳалаш ишини ривожлантиришнинг халқаро стандартлари ҳамда йўналишларига мувофиқ тарзда замонавий фикрлайдиган, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратсин.**

**6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.**

**7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов зиммасига юклансин.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 апрел

*«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига*

# Одамни деб яшайди одам...

*Султон ака ҳиссадорлик жамияти раисининг хонасига шаҳд билан кириб келди. Корхона раҳбари унинг кайфияти яхши эмаслигини бир қарашда сезди ва савол назари билан қаради:*

*— Тинчликми, Султон ака!?*

*— Кеча тунги сменада ишлаётганларга сут-қатиқ берилмай қолибди, — деди касабақўм раиси. — Бундай ҳоллар тез-тез такрорланаяпти. Ҳолбуки, жамоа шартномасида зарарли шароитда ишлаётганларни сут-қатиқ ва витаминли овқатлар билан таъминлаш маъмурият зиммасига юклатилган. Жамият раиси зудлик билан ишчиларнинг шароитига масъул ходимни ҳузурига чақириб, қаттиқ койиди. У хатосини тан олди ва бу ҳолат такрорланмаслигига сўз берди. Корхона раҳбари анча талабчан. Касабақўм раиси иштирокида муовинини қаттиқ огоҳлантирди.*

*— Яна бир марта такрорланса, вазифангиздан озод этиласиз.*

Тўққиз йилдан бери «Косон ёғ-экстракция очиқ ҳиссадорлик жамияти» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси бўлиб ишлаётган Султон Эгамназаров ишчилар манфаатини ўйлайдиган инсон. Одамларнинг қувончи-ю ташвишига шерик. Иш берувчи билан тузилган жамоа шартномасининг бандма-банд бажарилиши учун жон куйдиради. Тўғрисўз ва ҳалол киши.

Султон ака раҳбарлик қилаётган касаба уюшмаси маъмурият билан ижтимоий мулоқот ва шерикчиликни ривожлантириб, ходимларнинг ҳуқуқларини муҳофазалаш, манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Ҳар гал корхонага борсам Султон аканинг компютерда ишлаб турганини кўраман.

«Касаба уюшмаси ўз фаолиятини янгиланаётган иқтисодий талабларга мувофиқ ташкил қилиши, меҳнаткашларнинг манфаатлари ҳимоячиси сифатида ўзининг ҳаракат дастурини рўёбга чиқариши;

одамлар ташаббусини рағбатлантириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятни ошириши;

жамоа аъзоларининг маънавиятини юксалтириш учун ҳаракат қилиши керак». Булар раиснинг ёндафтаридаги қайдлар.

Султон ака завод цехларини айланиб келганидан сўнг касаба уюшмаси фаолиятига доир қўлланмаларни бирма-бир варақлаб чиқади, ўзининг ишларини таҳлил этади.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг ижроси бўйича ибратли ишлар олиб борилаяпти.

Корхонада йил давомида 14,7 млрд. сўмлик ялпи маҳсулот, 16,7 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган. 1270 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган касаба уюшма қўмитасининг қатъияти туфайли маошлар ойма-ой тўлаб борилаяпти. Бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 138.462 сўмни ташкил қилади ёки ўтган йилга нисбатан 26133 сўм кўпайган.

Меҳнат ва дам олиш тартиби, хавфсизлик қоидалари, ишчиларни зарарли шароит таъсиридан ҳимоялаш воситалари билан таъминланиш устидан қатъий назорат ўрнатилган. Меҳнат муҳофазасига 44 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Кейинги йилларда бахтсиз ҳодиса содир бўлмаган. Ҳар бир кишига кунлик овқат пули тўланади.

Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш доимий эътиборда. Уларнинг ишга келиб-кетиши учун 5 та транспорт ажратилган. Ошхона, чойхона, буфет, сартарошхона ва профилакторий ишлаб турибди. Зарарли шароитда ишлаётганларга 5,5 млн. сўмлик сут-қатиқ бепул тарқатилган. Тошкент кимётехнология институти олимлари билан 1 млн. сўмлик шартнома тузилиб, цехларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилди. Ходимларга 3 млн. сўмлик совун, 6 млн. сўмлик озиқ-овқат бепул тарқатилди. Экологик ҳолатни мўътадиллаштиришга 12 млн. сўм сарфланди.

— Ҳаракат дастурида «Касаба уюшмалари — аёллар — ёшлар» бўлими бор, — дейди С.Эгамназаров. — Жамоамиз хотин-қизларининг аҳволини яхшилаш учун доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Ёш болалар тарбияси билан машғул ходимларнинг ҳақ тўланадиган таътили корхона ҳисобидан бир йилга узайтирилган. Ҳомиладорлик таътилига ҳам бир ой қўшиб берилади. Етти ёшга тўлмаган фарзанди бор аёлларга ўзгарувчан жадвал бўйича бир соат қўшимча танаффус берилади. Янги оила қурганлар энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида рағбатлантирилади. Меҳнаткашларнинг 100 нафар ўғил-қизи ҳар йили корхона ҳисобидан ёзги оромгоҳларда соғломлаштирилади, 50 дан ортиқ ходим санаторийларда соғлиғини тикламоқда. 100 га яқин қариянинг ҳолидан хабар олиниб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаяпти.

Султон ака тоғ этагидаги ям-яшил дарахтзорларга бурканган Китоб кенгликларида вояга етган. Қалби тоғ ҳавосидек тоза, беозор инсон. Ўзи ишлаётган заводнинг тамал тошини қўйганлардан. Тошкент чет тиллар ва халқ хўжалиги институтларини битирган. Ўзбек, рус, тожик, немис ва инглиз тилларида эркин гаплашади.

Мана, йигирма саккиз йилдирки, вилоятимиз ёғ-мой саноатини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаяпти. Оддий ишчиликдан касаба уюшма раҳбарлигигача бўлган сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтган. Фарзандларини ҳам ўзидек диёнатли кишилар қилиб тарбияламоқда.

— Сизни қийнаётган муаммо борми? — сўраймиз касабақўм етакчисидан.

— Бор, — дейди Султон ака ўйга чўмиб. — Одатда ёғ-мой корхоналари хомашё тақчиллиги туфайли йил бўйи тўлиқ ишламайди. Ходимлар ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқариб юборилади. Маъмурият билан келишиб, истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган цехлар очиб, бандлик масаласини ҳал этмоқчимиз.

Эзгулик дилларни чароғон этади. Яқинда у қўмита аъзолари билан корхонанинг собиқ ишчиси, марҳум Воҳид Мамашариповнинг оиласидан хабар олди. Уларнинг ёрдамидан оила аъзоларининг боши кўкка етди.

...Оппоқ тонг отди. Субҳи содиқнинг тоза ҳавоси кўнгилда иликлик уйғотади. Ҳали қуёш бош кўтармасдан қадрдон корхонаси томон йўл олган Султон аканинг қалби одамларга наф келтириш, мушкулини осон қилиш орзуси билан лиммо-лим эди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Ўз касбининг фидойилари*

# Халоскор дўхтир

Ўрозали тунги навбатчиликни ниҳоясига етказиб, кетишга чоғланиб турганда, қишлоқларнинг биридан қўнғироқ қилиб, бир беморнинг оғир аҳволда эканлигини айтишди. Ўша куни уйга меҳмонлар ташрифини кутаётган эди. Илож қанча?

Бемор шифохонага олиб келинди. Ҳақиқатан ҳам у ўлим билан олишарди. Кўричаги ёрилиб, бутун қорин бўшлиғига тарқалиб кетибди. Дарҳол операция қилинмаса, оқибати қайғули тугаши ҳеч гап эмас.

Ўта мураккаб операция 35-40 дақиқа давом этди. Бемор ҳаётга қайтарилди. Яқинларининг хурсандлигини айтмайсизми. Айниқса, бемор йигитнинг онаси кўз ёшини тўхтата олмасди. Онаизор шифокорни алқаб дуога қўл очди:

— Илоҳим, сендай олтин қўлли, халоскор дўхтирни Худо ўз паноҳида асрасин, бола-чақангнинг роҳатини кўр. Отангга раҳмат, болам!

1969 йили Ўрозали акаси изидан бориб Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш факултети талабаси бўлди. Таҳсил давомида ўртамиёна, аниқроғи, «қониқарли» баҳо билан кун кечириб бўлмаслигини барвақт англади. Тезда аълочи талабалар сафига қўшилди. Ҳатто бўлғуси халқ саломатлиги посбонларининг илмий анжуманларида ўзининг маърузалари билан иштирок этди. Институтни тугатиб, бир йиллик интернатурани муваффақиятли ўтказган Ўрозали вилоят касалхонасида фаолиятини бошлади. Бу ерда у Жума Жабборов, Сафар Бўронов, Александр Югай каби моҳир жарроҳларнинг тажрибасини қунт қилиб ўрганди.

Устозлари шу ерда қолиб ишлашни таклиф этишди. Бироқ Ўрозали Норбўтаев ўзи туғилиб ўсган туманда олий маълумотли шифокорлар танқислиги, қолаверса, онажониси Холдоной аянинг «Ўзимизга дўхтир бўлиб қайтасан-а, болам?» деган гапини эслаб қадрдон Боёвутига қайтди. Туман марказий шифохонасида Ваҳоб Мираюпов, Абдуғани Абдумўминов, Ботир Худойбердиев, Райимқул Исмоилов сингари тажрибали шифокорлар ёш мутахассисни шогирдликка олишди. Ўрозали тез орада Боёвутнинг кўзга кўринган жарроҳларидан бирига айланди.

Ундаги ташкилотчилик қобилияти ҳамда даволаш-жарроҳлик ишларидаги маҳоратини ҳисобга олиб, бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, кейинроқ эса жарроҳлик бўлимига мудир этиб тайинлашди.

2000 йилдан бошлаб Боёвут туманида жарроҳлик бўлими негизида 20 ўринли тез тиббий ёрдам бўлими фаолият юрита бошлади ва унга Ўрозали Норбўтаев бошлиқ этиб тайинланди. Энди бўлимда фақат жарроҳлик операциялари амалга оширилмай, шошилинч терапевтлик, болалар хасталиклари ҳам даволанади. Улар хавфсиз ҳолатга келтирилгандан кейингина бўлимларга ўтказилади.

Изланишлар, елиб-югуришлар ўз самарасини берди. Бўлим қисқа вақт ичида вилоятнинг энг пешқадам тиббий масканларидан бири сифатида эътироф этилди. Даволаш хоналари, операция хонаси сифатли таъмирланди, энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.



— Ўпкамни парда қоплаб нафас олишим қийинлашиб борарди, — дея ҳикоя қилади бемор Ҳамроқул Тошхўжаев. — Кучли оғриқ хуруж қилиб, ҳушимдан кетдим. Баъзи докторлар, анча кечикибди, умид қилиш қийин, дейишди. Шунда Ўрозали дўхтир «Йўқ, ҳали вақт ўтган эмас, операция қиламиз», деб ишга киришди.

Фидойи докторимиз туфайли соғайиб, ҳаётга қайтганимдан Яратганга шукр қиламан.

— Бир вақтлар ўғлимнинг оёғи синиб, унинг қўлида даволанди, — дея суҳбатга қўшилди нуроний отахон. — Кўпчилик «Ногирон бўлиб қолади», деб айтишганди. Ўрозали операция қилиб, ўғлимни ногиронликдан сақлаб қолди. Мана, ўзим ҳам касалликка чалиниб бу ерга келдим. Ҳозир операцияга тайёрлашаяпти. Худо хоҳласа, яхши бўлади, Ўрозали дўхтирга ишонаман.

Астойдил қилинган меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди. У «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори. Ҳозирги вақтда Ўрозали Норбўтаев аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш жабҳасида изланяпти, қатор ёшларга мураббийлик қилаяпти.

**Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Савоб



Яхшилик ҳеч қачон унутилмас экан. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Андижонга бориш учун Тошкентнинг Қўйлиқ бозоридаги машиналар бекатига йўл олдим. Бу жой ҳозир Фарғона водийсига бориладиган асосий бекатга айланган. Ушбу йўналишга поездлар камайиб кетгандан сўнг йўловчилар енгил машиналарда довон ошиб боришни қулай деб билади. Лекин сўнгги пайтларда ҳайдовчиларнинг сунъий равишда нархларни ошириб бориши айрим йўловчиларнинг норозилигига сабаб бўлаяпти. Айниқса, байрам арафасида нарх шу даражада кўтариладики, ёқа ушлайсан киши. Йўлкирани белгилайдиган бирор расмий идора бўлмагандан кейин аҳвол шу-да. Шундай хаёллар гирдобида бекатга яқинлашдим. Киракашлар машина калитини ўйнатиб мижоз қидираяпти. Уларнинг олдига бориб йўл ҳақини сўрадим. «Андижоннинг қаерига борасиз? Келишолсак мен олиб кетаман», — деди улардан бири.

— Хўжаободгача неча пул?

— От билан туя бўлармиди, 20 минг сўм-да, — деди ҳайдовчи сигарет қолдиғини четга улоқтирар экан.

— Бироз нархини туширинг, бу жуда баланд-ку, — дейман унга.

— Ёқилғи нархи кўтарилди, Хўжаобод ҳам яқин эмас, ака. Хоҳласангиз шу, кетсангиз юринг, ҳозирнинг ўзида жиламиз.

Қолган киракашлар ҳам келишиб олгандек шу нархни айтди. Мен айтган нархга ҳеч ким кўнмади. Бир гап бўлар-да деб нонушта қилиш учун ҳайдовчиларга мўлжалланган тамаддихонага яқинлашдим. У ерда эллик ёшлар атрофидаги бир одам чой ичиб ўтирарди. Салом бериб ёнига ўтирдим. Бир пасда танишиб олдик. Бахтиёр ака ҳам анчадан буён Тошкент-Андижон йўналишида қатнар экан. У негадир мен айтган нархга иккиланмай рози бўлди. Хуллас, бирга кетадиган бўлдик.

— Яна уч киши топилса эртароқ жиларди, — деди Бахтиёр ака чойини ҳўплар экан. Шу пайт машиналар атрофида бир йигит пайдо бўлди. Қўлида оддий елимхалта, соч-соқоли ўсган бу мижозни киракашлар бир зумда ўраб олди. Бири қўйиб, бири талашарди. Шунда йўловчи йигит атрофидагиларга нимадир деди шекилли, ҳалиги калит ўйнатган киракашлар йигитни қандай ўраб олишган бўлса, шундай тез тарқалишди. Буни кузатиб турган шеригим ўрнидан туриб, йигит томон борди. Бироздан сўнг уни эргаштириб келди.

Йигитнинг эгнидаги кийимлар бироз уринган, юз-кўзлари эса ҳорғин эди. Ҳайдовчи акамиз бизни машинасига жойлаштириб, яна мижоз қидиришга кетди. Атрофда киракашларнинг овози эшитилиб турарди. Кўп ўтмай Бахтиёр ака яна иккита йўловчи топиб келди. Йўлга чиқдик. Ҳамроҳларим олдимда ўтирган йигитга олакараш қилиб қўярди. Ҳатто олдинги ўриндиқда ўтирган опахон бирор ҳид сезгандек қимматбаҳо атирини олиб атрофга сепди. Буни кўрган Бахтиёр ака мийиғида кулиб, ноқулай ҳолатдан чиқиш мақсадида машина магнитофонининг мурватини буради. Ёнимдаги йигит хижолат бўлганидан юзини ойнага буриб ташқарини кузатган бўлди. Негадир у мени қизиқтириб қолганди. Маълум бўлишича, у марҳаматлик бўлиб, Тошкентга иш қидириб келган экан. Бироз муддат бировларнинг юмушларини қилибди. Охирги иш жойидан эса хизмат ҳақини ололмабди. Сабабини эса айтишни истамади. Янграётган куй унинг юрагини ўртаётгандек эди. Киракашлар бу йигит билан нега келиша олмаганини тушунгандек эдим. Савобталаб Бахтиёр акага эса таҳсин айтдим. Машинамиз Ангрендаги чойхоналардан бирига яқинлашганда Бахтиёр ака йўловчиларга овқатланиб олармиз деб мурожаат қилди. Йигитдан бошқа ҳаммамиз рози бўлдик. Шунда Бахтиёр «ака қани сиз ҳам юринг биз билан» деб уни қўймай етаклади. Хижолатдан қизарган йигит ноилож рози бўлди. Бу таклиф баъзиларга ёқмади. Тушликдан сўнг яна йўлга тушдик.

Ангрен довони. Илгарилари бу йўлдан юриш хатарли эди. Бугун эса равон йўл ҳар қандай кишини қувонтиради. Машинамиз довондан ошиб, манзилга яқинлашдик. Андижонга пешиндан ўтганда кириб келдик. Ҳамроҳларимиз бирин-кетин тушиб қолди. Ниҳоят қаҳрамонимизнинг уйига етиб келдик. Бахтиёр ака йўлда болалари учун бироз совға-салом олган экан, шуларнинг бир қисмини йигитга берди. «Тошкентдан келаяпсиз, уйга қуруқ кирманг». Аканинг бу гапи йигитни ларзага солди. Кўзига ёш қалқди. Нима дейишга ҳам ҳайрон. Фақат тилидан раҳмат тушмасди. Бу ҳолатдан менинг ҳам кўнглим бузилди. Халқимиз орасида Бахтиёр акага ўхшаган танти инсонлар ҳам борлигидан қувондим. Йигит биз билан қайта-қайта хайрлашганча қўл силтаб қолди.

Йўлда кетаяпману ҳалиги киракашларнинг оғзини тўлдириб йигирма минг сўм бўлади деганлари қулоғим остида жаранглайверди...

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ**



**Баъзида автобусда кетаётиб, ўриндиқ орқасига ёзилган айрим бачкана сўзларни ўқиб, кишининг табиати тирриқ бўлади. Ким билсин, бу ҳам ўзидан қандайдир из қолдиришнинг бир кўриниши бўлса керак-да.**

# 3545 та ёлғончи

Яқинда мактабдош дўстим қизиқ бир воқеани сўзлаб қолди. Ота-оналар маслаҳатлашиб, мактабга теннис корти қуриб беришга қарор қилишибди. Фойдали иш. Чунки фарзандлари бўш вақтини мазмунли ўтказишади. Кимдир симтўр олиб келибди. Яна биров эса темир қувур. Уста иш бошлаб, бир ҳафта деганда теннис майдончаси битибди. Болалар хурсанд, ота-оналар ҳам мамнун. Лекин орадан кўп ўтмай одатдагидек эрталаб теннис майдончасига келишса, симтўрлар йиртилган, устунлар ағдарилганди.

Ниҳоят, айбдорлар ҳам топилибди. Уч-тўрт ўқувчи боланинг қўлидан келган «каромат» экан. Нега бу ишни қилдинглар, деб сўрашса елка қисишармиш.

Яна бир мисол. Бир куни автобусда кетаётгандик. Қалин қор ёққан. Бир пайт йўл четидаги болалар автобусга қор ота бошлашди. Улардан бири «ажойиб ихтиро» қилиб, қор «коптокча» ичига каттагина тош солиб отган экан. Автобус ойнаси чил-чил синди. Яқинда республика Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ходими, катта лейтенант Улуғбек Вафоев билан суҳбатлашиб қолдик.

— Ёлғон гап, ёлғончилик қадимдан оғир гуноҳлардан ҳисобланган, — дейди Улуғбек. — Бу иллат туфайли инсон ҳаётида тузатиб бўлмайдиган воқеалар юз бериши мумкин. Бундан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам азият чекишмоқда. Аниқроғи, ёнғин ўчирувчилар кимлардандир: фалончининг уйига ўт тушди, деган ёлғон хабар олишмоқда. Тезда етиб боришса, ҳаммаёқ жим-жит. Сув қуйгандек тинчлик. Бундай «ҳазиллашиш» кимга керак?

Дарҳақиқат. Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларида ҳарбийлаштирилган ва расмийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмларида кеча-ю кундуз навбатчилик-диспетчерлик хизматлари ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда, ёнғинни бартараф этиш учун қўлланиладиган техник воситалар шай ҳолга келтириб қўйилган.

— Бизнинг фаолиятимизда ҳар бир дақиқа ва сониялар ниҳоятда қадрли ҳамда асабий ҳолда кечишини ҳамма ҳам кўз олдига келтира олмаса керак — дея суҳбатни давом эттирди Улуғбек Вафоев. — Башарти чақириқ ёлғон бўлиб чиқса-чи? Қимматли вақт ва қанчадан-қанча ёқилғи-мойлаш материаллари беҳуда сарф бўлади.

Бу ҳолат таҳлил этиб кўрилганда 2007 йилда бундай ёлғон чақириқлар сони республикамиз бўйича 3545 тани ташкил этган. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 1457 маротаба кимлардир ўт ўчирувчиларни лақиллатгиси келиб қолган. «Фалончининг уйи ёняпти», — дея «ҳазиллашганлар» ўз ҳаракатлари туфайли келтирилган моддий ва маънавий зарар ҳақида ўйлаб кўришганмикан?

Таҳририятдан:

Ҳурматли газетхон! Юқоридаги каби ишларга қўл ураётганлар ким? Бундай нопок ишларга қандай куч мажбур этмоқда? Уларни бу ишдан қандай қайтариш мумкин?

Биз сизлардан шу ҳақдаги фикрингиз битилган мактубларни кутиб қоламиз.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Ном қўйишда эҳтиёткорлик керак

Тарихда муайян диний эътиқод, иқлим шароити, маданий муҳит каби мезонларга қараб фарзандларга исм қўйиш анъанага айланган. Чунки киши номлари оддий сўз бўлмай, ижтимоий-маданий, иқтисодий, фалсафий мазмунга ҳам эга.

Қадимда Мовароуннаҳр мусулмонларида оилада фарзанд туғилганда мулла киши чақирилиб, Қуръони каримни очиб исм қўйиш урф бўлган: Ислом, Аҳмад, Муҳаммад, Акбар, Расул ва бошқалар. Сўнг боланинг қулоғига азон айтилган.

Ривоят қилишларича, соҳибқирон Амир Темурнинг исми Қуръони каримнинг «Мулк» сураси 16-оятига биноан Шамсиддин Кулол ҳазратлари томонидан қўйилган экан.

Амир Темур замонасида қанчалик довруғ таратган бўлса, истиқлол йиллари бу ном яна шунчалик машҳур бўлди. Энди Амир Темур номини эъзозлайдиган замон келди. Бинобарин, соҳибқирон номи қўйиладиган жамоа ва мактаблар ҳар жиҳатдан унга мос бўлмоғи лозим. Лекин бу табаррук номни шошма-шошарлик билан кичик корхона ва дўконларга, ширкатларга қўйиш одат тусига кирди. Фарғона вилоятида бунинг гувоҳи бўлганмиз. Данғара туманида чорвачиликка ихтисослаштирилган кичик фермага Амир Темур номи берилган эди. Хайрият, орадан кўп ўтмай олиб ташланибди. Қўқонда кичик корхонага ҳам буюк бобомизнинг номи қўйилган экан. Шаҳар ҳокимлигининг аралашуви билан ўрнига бошқа ном берилибди.

Ароқ, коняк ёрлиғини Амир Темур номи билан атамоқчи бўлишди-ю, халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси аралашуви билан бу бошбошдоқликнинг олди олинди. Ўйлаб кўринг, Амир Темур номини шароб ёрлиғига ёпиштирсак, тўғри бўлармиди? Кимлардир Россияда подшоҳлар номида ўнлаб ароқ тури мавжуд-ку деб эътироз билдириши мумкин. Бунга ажабланишга ўрин йўқ. Бироқ ислом дини ҳомийси, чин маънодаги мусулмон Амир Темурнинг номи ароққа қўйилса, ҳеч ким раҳмат демаса керак.



Хўш, Амир Темур номини қаерга, қандай ташкилот ва муассасаларга қўйиш мумкин? Бу ҳақда, бизнингча, атамалар қўмитаси вилоят, шаҳар ҳамда туман ҳокимиятларига услубий кўрсатма тайёрлаб бериши керак.

Зотан, Амир Темур номи миллат рамзи эканлигини унутмаслигимиз даркор.

**Каримжон НОРМАТОВ,**
**Наврўз БЕКМУРОДОВ**

# Арoқ – умр заволи...

*Ердан қор кетмасдан туриб бозорга тушсангиз, у ердаги полиз маҳсулотларини кўриб кўзингиз қувнайди. Уларнинг ҳаммаси иссиқхоналарда етиштирилганини билсак-да, бунинг замирида қанчалик машаққат ётганини ҳамма ҳам тасаввур қилолмайди. Шу боис аксарият деҳқонлар қўшимча ишчи кучига эҳтиёж сезади.*

## Саробга судраган сархушлик




Қишлоғида ўзига муносиб иш йўқлиги баҳонасида Тошкентга келган Зокир Зангиота туманидаги иссиқхоналардан бирида ишлай бошлади. Бир куни қишлоғидан келган танишлари онасининг бетоб бўлиб қолганини айтишганда кўзига дунё қоронғи бўлиб кетди. Ёзга келиб иши санжаплашиб қолгани боис иш ҳақини олгандан сўнг Сурхондарёга бориб келишга қарор қилди.

Август оқшомларидан бирида таниши Дилшодни кўриб қолмаганда эҳтимол ҳаёти осойишта давом этаётган бўлармиди? Бир пайт уларнинг сафига Олим ва Собир қўшилди.

— Иш ҳақингни олибсан, бир отамлашсак отамлашибмиз-да, кетса ўн минг кетар, — деди Дилшод Зокирнинг маъюслашиб қолганига пичинг қилиб.

— Бугун онамнинг туғилган куни, умримда биринчи марта ўзим нишонлаяпман, — деди Собир. — Ҳозир ҳамма қариндошлар бизникида бўлса керак.

Хуллас, оддий улфатчилик қизиди. Ҳаммаси бирин-кетин Собирни табриклаб, онасининг шаънига илиқ сўзлар айтишди. Тун ярмидан оққан бўлса-да, жойидан қўзғалиш уларнинг хаёлига келмас эди.

Официантнинг «Бизда арoқ қолмади» деган қатъий гапидан сўнг улар туришга мажбур бўлишди.

* * *

Озроқ тамадди қилиб, мизғиб, яна кира қилишни ўйлаб уйига келган Шокир қаттиқ чарчаганидан дарров ухлаб қолди. Ўзининг машинаси бўлганда-ку хоҳлаган пайтида дам олиб, ярим кун киракашлик қилса ҳам оила тебратишига етиб ортарди. Ижарага машина ҳайдаш осон эмас. Уйғонганида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. У тун ярмидан оққунча 10 минг сўмча пул ишлади. Охирги мижозини «Қўйлиқ» бозорига ташлаб, уйига қайтиш учун ҳалқа йўлдан кетаётганида қўл кўтараётган тўртта болага кўзи тушди.

— Шуларни манзилига олиб бориб қўяй, кейин уйга кетиб дам оламан, — деб кўнглидан ўтказди Шокир.

— Қурувчилар даҳасига, — деди тўртовлон бирин-кетин. Ҳайдовчидан тасдиқ ишорасини илғагач «Инсофли одамлар ҳалиям бор» деди Дилшод Зокирнинг машинага чиқишига ёрдамлашаркан.

Манзилга етгач, улфатлар ҳайдовчини пичоқ билан қўрқитиб, дуч келган ерига уриб, жароҳатлашди. Сўнг қирқ икки минг сўм пул ва олти миллион сўмлик автомашинани тортиб олиб, яна пул талаб қилишди.

— Уйда пулим бор, бориб олиб бераман, бир ўзим яшайман, — деди кўзига жонидан бошқа нарса кўринмаётган Шокир. Рулга Олим ўтирди. Шундан сўнг ҳайдовчи ўзи яшайдиган 5-Қўйлиқ мавзесига жиноятчилар билан йўлга тушди. Уйига уч жиноятчи кузатувида кирган Шокир ичкарига кириб, эшикни қулфлаб, бор гапни онасига тушунтирди. Милицияга қўнғироқ қилинаётганини эшитгандан сўнг «кузатувчилар» уй эшигини тепиб, ичкарида одам борлигини сезиб, машина салонидаги 45 минг сўмлик автомагнитолани олиб кўздан ғойиб бўлишади.



Бироқ улар кўп вақт ўтмай қўлга олинди. Ўн гулидан бир гули очилмай жиноят кўчасига қадам қўйган бу йигитларга бир раҳмингиз келса, бир бу кунингдан баттар бўл дейсиз.

Жиноятчиларнинг қилмишидан тенгдошлари, фарзандларини бошқа шаҳарларга пул топишга жўнатаётган ота-оналар хулоса чиқариб олади деган умиддамиз.

**Шухрат ТИРКАШОВ,**
**Сергели тумани ИИБ ТБ терговчиси.**
**Фирдавс УМАРОВ,**
**СамДУ талабаси**

*«Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деган мақол бекорга айтилмаган. Агар Акрам ўшанда тилини тийганда, суҳбатдошига қўпол ҳазил қилмаганда умр шами бевақт сўнмасмиди?*

## Қалтис ҳазил

Акрам Латипов қишлоқ дўконларининг бирида ишларди. Бир куни уни улфатлари йўқлаб келишди. Оғайнилар чойхонада ош ташкил қилишди. Шароб билан кўнгилларини хушладилар. Тушликдан сўнг Акрам яхши кайфият билан дўконига қайтиб, савдо-сотиқ қила бошлади. Бир пайт дўконга ҳамқишлоғи Рустам кириб келди ва маҳсулотларни кўздан кечира бошлади. Ичкилик ўлсин, кайф туфайли Акрамнинг тили қичиб, Рустамга: «Сен менинг ота бир укам бўлсанг керак. Эшитишимча, онанг ёшлигида жуда шўх бўлиб, отам билан роса дон олишган экан», — деди ва кула бошлади. Бу беўхшов гапдан жаҳли чиққан Рустамнинг кўзи пештахта устида турган маргарин қутиси ичидаги пичоққа тушди. У ўйлабнетиб ўтирмай пичоқни тобора қаҳ-қаҳ отиб устидан кулаётган рақибининг кўксига зарб билан санчди. Бор овозда кулаётган Акрамнинг кулгиси ўша заҳотиёқ қирқилди. Рустам сопигача кириб кетган пичоқни суғуриб ҳам олмай жазавага тушган ҳолда дўконни тарк этди. Акрам эса кўксини чангаллаган кўйи шу ерда ҳаётдан кўз юмди.

Қотил узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Асосий «айбдор» эса ҳамон пештахтада турибди...

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

## Тўртинчи сафар



Спиртли ичимлик ичиш одамларга шодликдан кўра кўпроқ мусибат келтиради.

Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчасида яшовчи Неъматулла Аллаевнинг бинойидек ишга берилиб, рўзғорим дея жон койитган дамлари ҳам бўлган. Аммо ичига ичимлик кирди дегунча мойиллиги ўн чандон ортиб, зорманданинг кетидан қувгани-қувган.

Ўша куни ҳам шундай бўлди. Эрталаб уй деворларини бироз оқлаб қўйиш кераклигини эслаб, Рома исмли уста йигитни бошлаб келди. Ишни бошлашдан олдин оз-оздан пиво ичишган эди, катта ҳовли торлик қила бошлади. Зарурат учун жамланган 20 минг сўмни чўнтакка уриб, Рома билан Каттақўрғонга жўнади. Кўр кўрни қоронғуда топиши ҳақ гап экан. Бозорда Неъматулла ўзи каби уч марта қамалиб чиққан Фурқат Суяровни учратиб қолди. Бундай пайтда «яримта»сиз давра қизир эканми? Биттадан арoқни қўлтиққа уриб мезбон кетидан Фурқатнинг уйига жўнашди. У ерда Жонона исмли бир жувон ўтирган экан. Омадидан чеҳраси ёришган Неъматулла Романи изига жўнатиб, ўзи офатижон давра меҳмонига айланиб қолди.

Зиёфат қизиди. Давра кўрган маъшуқа гоҳ меҳмон, гоҳ мезбоннинг кўнглини олар, Неъматулланинг ҳуши ҳали жойида эди. Ички хонадан қайтса, шимида турган пуллари ва уяли телефони гумдон бўлибди.

«Қизиқ, ким олиши мумкин?!». Аввал жилмайиб турган Жононанинг кўзларига тикилди: «Йўқ, у олмаган кўринади...». У Фурқатнинг ёқасига чанг солди.

Жаҳл чиқса ақл қочар. Тоқати тоқ бўлган мезбон ташқарига чиқиб, қўлида кетмондаста билан қайтди. Таёқ зарбидан ўкирган Неъматулланинг қўлига ногаҳон пичоқ тушиб қолди.

Шайтон бор жойда одамгарчиликка йўл бўлсин! Неъматулла улфатининг ҳаётига нуқта қўйгач, маъшуқаси билан олис-олис ерларга жиноят изини яшириш учун жўнади. Лекин улар жиноят жазосиз қолмаслигини унутишганди. Орадан 4 кун ўтиб, ИИБ ходимлари уларни Наманган вилоятининг Поп туманидан тутиб келишди. Бир арoқнинг кайфини деб Неъматулла Аллаевнинг панжара ортига тўртинчи сафари бошланди...

**Сирожиддин САТТОРОВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратураси ЖТҚБ АМИБ терговчиси**

# ...шунда ҳам ичаверасизми?

Фақат, бахтсиз бўл, дема...

Ishonch
2008 йил 1 май № 55 (2468)

# Кел, баҳор бўлиб қайт ҳазин боғимга

## «СЎЗЛАРИМНИНГ ДУРИ СИЗГА БАХШИДА...»

Акмалжон Исмоилов Уйчи туманида туғилиб вояга етди. Наманган давлат университетининг ижтимоий-маъданий фаолият факултетини имтиёзли тугатди.

Жамоат ишларида, айниқса, касаба уюшма фаолиятида фаол қатнашиб юрган Акмалжонни вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига ишга таклиф килишди. Уч йилдирки у бирлашмада раис ёрдамчиси.

Акмалжон чинакамига адабиёт ихлосманди, шеърият ишқибози. У шеъриятни жон-дилидан севади. Уни олам чиройи, табиат гўзаллиги-ю, замондошларнинг олижаноб фазилатлари мафтун этади, уларни шеърий сатрларда акс эттиришга интилади. Шеърлари туман, вилоят газеталарида чоп этилган. У янги шеърларидан бир нечасини «Ishonch» ўқувчиларига илинибди.

Биз шеърият ихлосманди бўлган йигитга бу машаққатли йўлда омад тилаймиз.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

### Онажон

Ишонган дўстларим мени сотганда,
Душманим ортимдан тошлар отганда,
Юрагимга алам тиғдай ботганда
Юпанчим бўлдингиз жоним, онажон.

Дард чексам давони сиздан изладим,
Гоҳида ноўрин сўзлар сўзладим.
Давлатим эҳсансиз, билдим-бўзладим,
Қувончим бўлдингиз жоним, онажон.

Онажоним, доимо бахтим тилайсиз,
Эл ўғли бўлгин, деб бошим силайсиз,
Тунни тонгга улаб тиним билмайсиз,
Юпанчим фақат сиз — жоним, онажон.

Сўзларимнинг дури сизга бахшида,
Юрагимнинг кўри сизга бахшида,
Шеърларимнинг зўри сизга бахшида,
Суянчим фақат сиз, жоним онажон.

### Маржона

*(Қўшиқ)*

Келинг, кутарман дединг,
Гуллар тутарман дединг,
Қонлар ютарман дединг,
Боролмадим, Маржона.

Пойимда қиз тўп дедим,
Сендақаси кўп, дедим,
Ўрнинг босолмаслигин
Билмагандим, Маржона.

Арзимасман, гул берма,
Мендайларга дил берма,
Фақат, бахтсиз бўл, дема,
Ўтинаман, Маржона.

Бир кун ёнингга борсам,
Сенга кўнглимни ёрсам,
Кечиргин деб, ёлборсам,
Парво қилма, Маржона.

Бугун тўйинг, гул юзим,
Бахт тиларман, чин сўзим,
Тор кўчангда бир ўзим
Қолиб кетдим, Маржона
Маржона қиз, Маржона.

**Акмалжон ИСМОИЛОВ**

## КЎНГИЛ САРҲАДЛАРИ

Мен ўргандим бугун қадрни
Қадрга зор қадрсизлардан.
Мен ўргандим яна сабрни
Сабр билмас сабрсизлардан.

Ўргандим мен ҳақиқий бахтни
Бахтсизларнинг маҳзун юзидан.
Ўргандим мен ва яна аҳдни
Ботирларнинг мағрур сўзидан.

Билмас эдим меҳр нелигин,
Қаҳрни-да билмасди кўнглим.
Бугун туйдим меҳр борлигин
Бемеҳрлар тилганда кўнглим...

## ЎША МЕНМАН

Ўша менман, субҳи саҳарда
Шабадалар шивирлаган сас.
Ўша менман, эрта баҳорда
Яшиллик-ла уйғонган нафас.

Ўша менман, маҳзун бир кузда
Жон бандидан узилган япроқ.
Ўша менман, оёқ остида
Қолса ҳамки, қадрли тупроқ...

**Ноилабону МУҲАММАДИЕВА,**
**Чироқчи тумани**



## САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

*Аёллар шаънига сўз айтмоқ учун
Шарт эмас узундан-узун ривоят.
Аёл буюклигин англамоқ учун
Аёл сўзин мағзин чақмоқ кифоя.*

*Аёл сўзин «А»сида бор — ажиблик,
Азизлигу ардоқлилик, аълолик.
«Ё»сига ёр ёқимтойлик, ёруғлик,
Ишқ ўтида ёндирмоғу ёнмоқлик.*

*«Л»сида-ку латофату латифлик,
Лутфи карам, лобарликлар жамулжам.
Мўъжазгина шу бир сўзнинг ўзида
Етти иқлим жозибаси мужассам.*

*Аёл сўзи ўхшар ҳаё сўзига,
Бу монандлик ажиб ҳикмат айтадир.
Тоққа чиқиб Аёл, дея қичқирсанг,
Акс садоси Ҳаё бўлиб қайтадир.*

*Аёл сўзи оҳангдош эрур яна,
Болу асал, бахту иқбол сўзига.*

*Шу боисдан мудом у ёна-ёна,
Юракларни чорлайверар ўзига.*

*Баҳорлару нурга тўла само ҳам,
Ўзлигидан тонар эди аёлсиз.
Муҳаббатдан яшнаб турган дунё ҳам
Саҳро бўлиб қолар эди аёлсиз.*

*Аёл асли қалбдан мангу жой олган
Шириндан-да ширинроқ бир хаёлдир.
Бу оламда севмоқ учун яралган —
Саккизинчи мўъжиза шу — Аёлдир.*

*Машойихлар бежиз айтмас, Аёлни
Яралган деб ошиқ юрак қонидан.
Шу боисдан ҳар ким азиз аёлни
Ардоқласа арзир дилу жонидан.*

*Гоҳи армон, гоҳ ширин хаёл бўлиб,
Юракларда кезаверинг, аёллар.
Соҳиби ишқ, соҳиби висол бўлиб,
Умримизни безайверинг, аёллар!*

**Зикрилла НЕЪМАТ**



*Қат-қат хаёлларни қатламай қанча,
Билдирмай ўмарди маккора шамол.
Алдади, авради шу оддий дунё
Ҳайратнинг мулкига айланди дарҳол.
Олис манзилларда порлади маёқ,
Аридек тўзғитди,
Ҳайрона бари.
Улкан қанотларда шўнғийди аста,
Уммондек мавжланган орзулар сари.
Оғир синовлардан бехабар ХАЁЛ...*

* * *

*Нечун япроқларни йиғлатар шамол,
Ажиб сергакликка чорлов, белгими?
Ёхуд асрларга сиғмаган Машраб,
Осмон руҳи билан қайтиб келдими?
Ўзликни парчалаб,
Безабон жарроҳ,
Оч қолган бўридек пойлайди бедор.
Кўринмас атрофда
Бир илинж, паноҳ,
Кўнгилга суқилар шайтоний хумор.
Мўлтираган нигоҳлар увол...*

**Акмал ТОШЕВ**



## БАҲОР БЎЛИБ ҚАЙТ

Кел, баҳор бўлиб қайт ҳазин боғимга,
Маъюс нигоҳимга бир нур бўлиб қайт.
Бир лаҳза қайтайин ёшлик чоғимга,
Мен айтсам севишим, сен жўр бўлиб айт.

Шўхчан сайраганда булбулу қумри
Рақсга тушсин гуллар-лолалар.
Баҳор бўлиб қайтсанг, тугагай умри
Дилни эгаллаган маҳзун нолалар.

Соғиниб яшадим бир умр сени,
Оппоқ қоғоз узра тўкилди дардим.
Кел, энди ёришсин ҳижроннинг туни,
Висол эркаланса бошга кўтардим.

Кел, баҳор бўлиб қайт ҳазин боғимга,
Маъюс нигоҳимга бир нур бўлиб қайт
Кел, кучай, сингиб кет менинг бағримга,
Ахир баҳор севиб-севилгувчи пайт...

**Боймурод САЙФУЛЛАЕВ,**
**Нарпай туманидаги**
**61-мактаб ўқитувчиси**

*Давронлар ўтади, сарғаяр боғлар,
Бўсага лаб очар лола дудоқлар.
Туғилар фарзандлар — тўлар қучоқлар,
Худо соғлиқ берса кўрармиз.*

*Ким марду, ким номард лаҳзалар синар,
Беш қўлин оғзига тиққанлар синар.
Ёмонни тушида виждони қийнар,
Худо соғлиқ берса кўрармиз.*

*Бу турфа оламнинг соҳиби сенсен,
Барча эзгуликлар толиби сенсен.
Ҳаёт ўзи пойга, ғолиби сенсен,
Худо соғлиқ берса кўрармиз.*

* * *

*Қайғудан тўкилар кўнгил гавҳари,
Бағримни тешади азоб ништари.
Ҳой, бунча олиссан орзу кишвари,
Қаттиқсан, қаттиқсан-эй, армон!*

*Тиқилиб қолгандай томоқда сасим,
Озорлар едими юрак қафасим?
Ҳеч сўнма, шайдойи ҳавасим!
Қаттиқсан, қаттиқсан-эй, армон!*

**Аҳмад ҲАСАН**

## ЗАЙНАБ

### («Ўтган кунлар»ни ёдга олиб)

Мозийнинг бераҳм тонглари отди,
Пар ёстиқ бошингга тикандек ботди,
Кўзингда ёшларинг тош бўлиб қотди,
Севиб, севилмаган маъсума Зайнаб.

Кўҳна одат ила бошинг «бойланди»,
Беғубор орзулар тушга айланди,
Суюкли ёр бўлиб Кумуш сайланди,
Севиб, севилмаган маъсума Зайнаб.

Курашга шайландинг эрта тонг-саҳар,
Титраган қўлингда бир шиша заҳар,
Наҳот қотил бўлиб қолдинг — алҳазар?!
Севиб, севилмаган маъсума Зайнаб.

Аҳли яқинларинг барчаси ҳайрон,
Отабек оҳ чекар, юрак-бағри қон,
Сени таъқиб этар инсоф ва виждон,
Севиб, севилмаган маъсума Зайнаб!

Замона зарбаси қалбингни тилди,
Билганлар ачинди, билмаган кулди,
Кимлар тақдирингни «ўйинчоқ» қилди?!
Севиб, севилмаган бечора Зайнаб!

**Абдуазим ҚОБИЛОВ,**
**Жиззах насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

# Дўзах домидан НИДО



**ҲАСАДНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ**

Машина бир текис елиб бораркан, Азизжон давра ҳақида ўйлагани сайин туйғулари туғён қиларди: «Қўли очиқ-да, жўрамизнинг. Жим юргани билан бало чиқиб қолди бу писмиқ! Анҳор яқинидаги бир парча ерни номига хатлаб олаётганда ҳеч ким бу ҳудуд шу қадар обод бўлиб кетишини ўйламаган эди. Шунга ўхшаш бирор сердаромад ишнинг бошини тутиш нега хаёлимга келмади?! Йўқ! Гап бунда эмас, чўнтакда! Қизиқ, бунча сармояни Азамат қаердан олаяпти?».

Азизжон манзилга етиб келиши билан йўл четидаги автомобилларга кўзи тушиб, қош кериб қўйди: «Ў, жамоат жам-ку!». Дарҳақиқат, ишкомларда сарғиш узумлар товланар, кўкка бир маромда сув пуркаётган фаввора теграсидаги гулзор бўйлаб тартиб билан қўйилган столлардан меҳмонларнинг чақчақлари эшитиларди. У «бизнинг йигитлар қайси жойда қўним топишди экан?» дея бироз тўхтаб тургач, тўрдаги стол атрофида ўтирганлардан бири қўл кўтариб қолди: «Азизжон, бу ёққа!..».

Тенгқурларнинг суҳбати қизийди. Даврабошилик қилаётган Суръатжон бу гал ҳам муҳим гапни айтмоқчидек атрофдагиларнинг диққатини тортишга урина бошлади:

— Жўралар! Бир фикр бор. Хўп десанглар, бугундан бошлаб шундай масканни бунёд этган, топган-тутганини баҳам кўрадиган мезбонимизни Азаматбек деб атасак! Балки камтарона қилиб Бек деб қўя қолганимиз маъқулдир, нима дейсизлар?

— Тўғри!

— Маъқул.

— Қани, Бек жўранинг соғлиғи учун тик оёқда ичамиз!

Ўшанда Суръатжоннинг таклифига биринчилардан бўлиб чапак чалган Азизжоннинг ўзи. Бироқ ошкор айта олмагани билан бу мақтовларга қўшилмаслик учун арзирли асослари бор эди.

Эртаси чошгоҳда ўзига келган Азизжон боши тарс ёрилай деганча бироз тўшакда чўзилиб ётди. Воқеаларни бир-бир эслашга тутинди: «Жўраларнинг қуймижозлигини-чи! Ўзиям Азаматни нақ осмонга кўтаргудек қилиб мақтащди-я! Қойил-е, вақти келса итни ҳам, битни ҳам оловда тоблаб, дастурхонга тортишга тайёрсан. Пулни ўйлайсан, пулни!».

Азизжон чуқур уҳ тортиб, дераза томонга бурилиб ётди. Қарийб икки йил бурун бўлган воқеа ёдига тушди. Ўшанда иккови Азаматнинг машинасида олис қишлоқлардан бирига тўйга боришди. Улфатлар учраб қолиб, узоқ вақт қолишларига тўғри келган. Қайтар чоғи паррандачилик фабрикаси ёнидан ўтишаркан, кутилмаганда Азамат уловни йўл четида таққа тўхтатди: «Қани, юр, тушайлик-чи...».

Йўлнинг чап ёнида чиқинди учун махсус металл қутилар қўйилган экан. Хазонларнинг усти ва орқа томонида қандайдир оппоқ уюмлар кўзга ташланди. Яқинроқ боришса, кўп миқдордаги ҳаром қотган товуқлар. Азамат уларни ушлаб, кўтариб кўрди: «Яхшигина эти бор экан! Шунча нарса увол кетарканда-а?».

«Касалга чалинган бўлса керак», — Азизжоннинг ҳам эти увишди. Шундан кейин улар яна йўлда давом этишди.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтгач, Азизжон синфдошининг қўл остида ишлайдиган йигитдан қизиқ гап эшитди: Азамат ўша кеча уни дарвозаси ёнига туширгач, тўппа-тўғри ўша паррандалар уюми ёнига қайтиб, тонготарга қадар уларни уйига ташиб олган ҳамда таниш тамаддихоналар ва баъзи дўконларга тарқатиб чиққан экан. Ошхоналарда эса ҳар куни иккинчи таомга «табака» тайёрланаётганмиш. Бу гаплардан у қандай таскин топсин? Бу ҳақда лом-мим деб бировга оғиз очиб бўлармиди? Шулар ҳақида ўйлаб туриб Азизжоннинг яна пешонаси тиришди.

— Бош омон бўлса ҳали кўрамиз, жўралар! Ўшанда бирин-кетин соямга кўрпача соласизлар...

**ТУЗОҚ**

Азизжоннинг қўл телефони жиринглади. Уни қўлига олиб, қайд қилинган рақамга тикилди-ю, қувониб кетди:

— Алло, Дилбар опа, бормисиз? Бизларни ҳам эсларкансиз... Майли-майли, бемалол.

Азизжон ўгирилса, хотини ошхонадан икки коса овқат кўтариб келаяпти. Шу аснода суҳбатга нуқта қўйди:

— Ҳозир бораман.

— Овқат суздим, дадаси, киринг.

— Майли, сизлар ичаверинглар. Ғиз этиб бир жойга бориб қайтаман.

Дилбархоннинг дарвозаси ним очиқ. Азизжон «Жигули»ни нақ кўприк устида тўхтатаркан, худди биринчи марта кўраётгандек ҳовлига разм солди: «Эҳ-ҳе, бунча катта?.. Анави ўқ девор силжитилиб, войишлар олиб ташланса, икки оилага бошпана бўларкан. Ҳайронман, ҳезалак эр билан биргина болали жувонга бунча катта жойнинг нима кераги бор?».

Дарчадан Дилбархон кўринди:

— Жуда тез келибсиз. Ҳали мен йиғиштириниб бўлмасдан-а?

— Ҳа, энди, опа, гапингиз биз учун қонун.

— Раҳмат!

— Опа, бу гал ҳам эрингизни ўзингизга қоровул қилиб оласизми? Балки менга ишонмассиз?

Дилбархон кутилмаган гапдан мийиғида куларкан, «чатоқсиз» дегандек дид билан бўёқ тортилган лаблари учини аста тишлади:

— Ҳалиям шундай. Шаҳримиз тиббиётчиларидан бир гуруҳи пахта йиғим-теримига «новочка» билан жўнатилган. Мен у ердан хўжайинимнинг соғлиғидан хабар олиб кетгани келдим. Бормасам, гапга қоламан.

Жувон фартук қатига солинган кичикроқ тугунчани олиб чиққач, уловнинг орқа ўриндиғига ўтирди.

Ҳашарчилар қўним топган манзил бу ердан ярим соатлик масофа. Азизжон магнитофон овозини пастроқ қилиб қўйганча, салон ойнасидан жувонга пинҳона қараб қўйди. Бир ҳафта олдин ҳам Дилбархонни ўша манзилга элтиб қўйганди. Ўшанда «мен ҳам дорихонага кираман» дея эри Обиддин ака олдинги ўриндиққа ўтириб олганди. Қараса, ўғилчаси бир ўзи қолаяпти. Шунда Дилбархон уни ҳам ёнига миндириб олган. Бундан Азизжоннинг қовоғи солиниб, сукут сақлаб кетганди. Бугун кайфияти бошқача.

— Хўжайиннинг яна бироз мазаси йўқ. Ориф дўхтир келиб рецепт ёзиб берибди. Дориларни олай десак, уйда бир тийин ҳам қолмабди.

— Шундай экан, муаммони тортинмасдан бизга айтсангиз бўларди-ку. Бор пайти сиздан аярмидик?

— Раҳмат. Яхшиларнинг борлигига шукур. Шу хизматингизнинг ўзи етади.

Кўп ўтмай катта йўлдан чап йўналишдаги торроқ тошйўлга бурилишди. Бироз юрилгач, Дилбархон:

— Бўлди, Азизжон. Шу ўрталиқда тўхтатинг, танишлар гап-сўз қилиб юришмасин, — деди хавотирланиб.

Улов тўхтагач, йигит ярим ўгирилганча орқа ўриндиқдаги жувоннинг кўзларига тикилди:

— Менинг гўзал опажоним! Шаҳарга энди қачон қайтасиз?

— Билмадим...

— Унда ваколатингиз сира ўзгармайди. Исталган пайтда патимни куйдиришингиз мумкин. Худди эртаклардагидек амрингизга мунтазир бўламиз!

Чиндан ҳам Азизжон лафзида турди. Қўнғироқлашгач, кейинги шанба куни ҳам ўша тошлоқ йўл қошига келиб турди. Ўз гузарларига яқинлашиб қолган чоғи Азизжон рулни яқиндаги дорихоналардан бири томон бурди.

— Опа, касаллар маҳтал бўлмасин. Шу ерга кириб чиқақолайлик.

— Йўқ, сиз қўйинг. Қарзим кўпайса, ҳаловатим йўқолади. Қайнопаларимдан ёрдам сўрарман.

Азизжон шартта машинадан тушиб, жувон ўтирган эшикни очди.

— Қани, ўша рецептларни менга беринг-чи.

Керакли дори-дармон ва шприцлар сотиб олингач, уловни аёлнинг ҳовлиси томон ҳайдади. Дилбархон тушиш тараддудида энди эшик тутқичини тортаётганди, Азизжон шартта ортига бурилиб, унинг билагидан ушлади. Кейин чап қўли билан чўнтагидан ҳали бойлами бузилмаган 200 сўмлик пачкани унинг қўлига тутқазди.

— Рўзғорни эплаб турарсиз. Ҳозир менга пул зарур эмас.

Икки ўт орасида қолган Дилбархон қандай йўл тутишни билмасди. Олмайин деса, пиёвага лойиқ жаз ҳам қолмаган, олайин деса...

Азизжоннинг эса кўзлари ҳушёр, шу билан бирга маънодор тикилиб турарди:

— Берганнинг бетига қарама деганларини эшитмаганмисиз? Ахир сизда ҳам қолиб кетмас.

Уйчан уловдан тушган Дилбархон машина ортидан бироз тикилиб турди. Сўнг катта йўлни кесганча гузар бозорчаси сари юрди. У ердан икки дона елимхалта олиб, бирига озиқ-овқат, иккинчисига мева-чева харид қилди.

Авваллари бир неча бор машинасига миндириб, гоҳ қўлига, гоҳи тиззасига қати бузилмаган пулларни қистириб турган эркакнинг ҳийла ипи анча узун қўйилганди. Шунга кўра у синалмаган услуб тутди. Икки ҳафтадан кўпроқ вақт жувонга қорасини ҳам кўрсатмади. Кунларнинг бирида пахтазор яқинидаги ўша тошлоқ кўча бошида яна таниш машина пайдо бўлиб қолди. Буни кўрган Дилбархон шоша-пиша ўша томонга ошиқди.

— Қани, тинчликми, Азизжон? Бунча хавотир олдирдингиз?

Йигитнинг шу топда қошлари бироз чимирилган эди. Савол бамисоли қулоғига етмагандек, совуқ оҳангда гап бошлади:

— Опа, мен қайтишим керак. Анчагина пул зарурати туғилиб қолди. Қарзга олган пулларингизни тезроқ қайтаринг. Эрталаб олгани келарман.

— Пул?.. Эртага?..

— Ҳа, бир иложини қиларсиз.

Азизжон «гап тамом» дегандек машинасини ўт олдирди. Жувоннинг оёқларидан мадор кетди. Икки чаккаси зиркирай бошлади. Хомчўт қилиб ҳисобласа, олган пуллари ва кира ҳақи 200 минг сўмдан ошиб қолибди: «Эй худойим, энди нима қилдим? Қайси эшикка бош уриб қарз тўлашга пул сўрайман? Эрим эшитиб қолса, нима деган одам бўламан? Бегона эркак менга пул бериб турган дейманми? Бундан кўра ўлганим яхши-ку!».

Ўйлаб уйига етмасди. Кўп қатори болишга бош қўйгани билан уйқуси келмади. Тунни минг азобда ўтказди.

Азизжон бўлса айтганини қилди. Эрталабдан йўл бошига келиб, кетма-кет сигнал берди.

— Опа, пул топдингизми?

Аёлнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Нимадир томоғига тиқилаётгандек секин йўталди:

— Ўлай агар, кимдан сўрашимни билмадим.

— Менга ҳам осон тутманг-да. Шунча пайт зарур бўлмагани учун сўрамадим.

— Жон ука, барчасидан хабардорсиз. Нима бўлганда ҳам мени шармисор қилманг. Бирор йўли бўлса, айтинг. Ҳар қандай шартингизга...

— Э, айбим ҳожат чиқарганимми?

— Жон ука...

Шунда Азизжон такаббурона нигоҳ билан аёлдан атайин сўради:

— Ҳар қандай шартингизга дедингиз-а. Шу сўзингизда тура оласизми?

— Жонимни бўлса ҳам сўранг.

— Тунов куни ҳовлингизга ўтганда кўнглимдан хайрли бир фикр ўтди. Ўша ҳовлини сотиб, ярим пулига шинамгина икки хонали квартира олсангиз. Ёки торлик қиладими? Ярим пулини эса ушатиб, рўзғорингизни бутлаб оласиз. Бўйнингизда қарз ҳам қолмайди. Бу яхши-да!

— Ҳовлини сотиш?.. Йўғ-е, Обиддин акангиз ўлса ҳам бу шартга рози бўлмайди. Қолаверса, ҳозир қайси харидорнинг бизга кўзи учиб турибди.

— Эҳ, опам-а, харидорни ҳам, эрингизни кўндиришни ҳам бизга қўйиб берасиз. Фақат сиз ҳам бундоқ дадилроқ бўлинг-да.

**«УЧИНЧИ ОДАМНИ ЧЕТЛАШТИРСАК...»**

Орадан икки кун ўтиб, Азизжон яна пахтазорга етиб келди. Маслаҳатни бир пиёла чой устида пиширишга келишишгач, уловда тўппа-тўғри серсоя чинор остидаги ошхонага келишди. Сазан балиқ қип-қизил қилиб қовурилгунча, мулойим нонни қайноқ чой билан эрмак қилиб ўтиришди.

— Опа, биратўла сизга икки хабар олиб келдим. Нима қилай, яхшисидан бошлайми ё ёмонроғидан?

— Вой ўлмасам, ёмон хабар ҳам борми?

Азизжон қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, жувон томонга бироз энгашиб, секин гап бошлади.

— Келинг, аввал яхшисини эшита қолинг. Ҳовлингизга харидор чиқиб қолди. Жуда бадавлат. Кеча «Нексия» сотган экан, пули ҳам нақд!

— Ёмони-чи, ичимни қизитмасдан, ўшандан гапиринг.

— Ёмоними? Шу, писмиқ эрингиз бироз тихирлик қилиб турибдида. Сотиладиган ҳовлимиз йўқ деб туриб олган.

— Кўнглим сезганди...

— Йўқ, ўзи-ку бир чангал лой уришга ҳоли йўқ. Яна ёпишиб олганига ўлайми?

— Эрим билан гаплашдингизми?

— Ҳа, битта ароқни сузиб ичирсам ҳам гапидан тонмади. Лекин сиз билан фикримиз бир бўлса, таранг қилиб қайга ҳам борарди.

— Бундай олганда-ку, ҳовли менинг номимга хатланган. Аммо...

— Йўғ-е, унда яна ҳам зўр экан-да! Ростини айтсам, сиз мени лол қолдираяпсиз, — Азизжон ичкари томонга юзланиб, официант йигитга бир шиша шампан келтиришни буюрди. — Сизга мажбур қилмайман, аммо бундай шарафли имкониятни мен нишонламасам бўлмайди.

*(Давоми бор)*

**Аҳадхон ЖАМОЛОВ,**
**Пастдарғом туман прокуратураси катта терговчиси.**
**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# саёҳат



Хола «тарақ» этиб, бўш челакларини ерга қўйди.

— Автобусда қусмайсанми? — деди у шанғиллаб. — Анув Ҳакима гаранг бор-ку, ҳар борганида қўлига халта оливоларкан...

Хола сўнгги жумлани овозини пасайтириб айтди.

— Ўла-ар... — деди у секингина.

Шу пайт шундоққина дўкон биқинидан Салима чиқиб келди. У худонинг берган куни шаҳарга қатнайди. Нима учун қатнашини ким билсин, ишқилиб, уйда ўтирадиган хотин эмаслиги бутун маҳаллага аён.

— Агар кўнглингиз айнийдиган бўлса, беш-олтита қурутни чўнтагингизга солиб қўйинг, — деди у босиққина қилиб. — Рўмол ўраманг, шаҳар иссиқ. Иннайкейин, тўппа-тўғри туфли билан пайпоқ кияверинг.

Холанинг бунақа ишларда тажрибаси йўқ эди, бирдан энсаси қотганча челакларини обкашга илди-ю, кетди-қолди.

Бирпасда ҳамма нарса тайёр бўлди. Қазноқдан туфли олиниб, чанги артилди. Белбурма ялтироқ кўйлакка тескарисидан дазмол босилди. Бешолтита эмас, салкам ярим килоча келадиган қурутни «шаҳар сумка»га солиб қўйди.

Кечга томон осмонда сийрак булутлар қанот керганча ёйила бошлади. Тўсатдан турган шамол шафтоли гулларини дув тўкди. Ҳовлининг бурчагида улоқчалар совқотибми, подага қўшилган онаси эсига тушибми, зорлана бошлашди: мэъ-э, мэъ-э...

Эри осмонда булутлар сезилмай, юлдузлар кўринмай қолган пайтда келди.

— Иш кўп-да, — деди ҳорғин кўрпачага чўзиларкан.

Осмонни оловли ханжар тилиб ўтгандек бўлди. Бирдан ханжардан азоб чеккандай осмон гумбурлай кетди. Ташқарида ёмғир шовиллаб, дераза ойналарини черта бошлади.

Эртага эса бозор куни. Эрининг феълини билади: «Ҳаво очиқ бўлса...» деди-ку, ахир. Хаёлида тинмай елаётган автобусу троллейбуслар бирдан тўхтаб қолди. Ранг-баранг пуфакларни ёмғир чертиб, пақ-пақ этиб ёра бошлади.

— Ҳаё, туринг, — дея у негадир эрини уйғота бошлади.

Эри бошини қашиганча девор томонга ўгирилиб олди, алланималар деб ғўлдиради.

— Турсангиз-чи ахир! — дея беихтиёр аламдан қичқириб юборди у. — Ёмғирни қаранг, овозининг хунуклиги-чи...

— А, нима, нима? — эр сапчиб кўзини очди. — Нима дейсан?

— Ёмғир, ёмғир ёғаяпти... — у ўпкасига нимадир тўлиб, йиғлаб юборди.

Эрининг уйқули кўзлари унга бефарқ тикилди.

— Ҳе... — у ғўлдираб яна бошини ёстиққа ташлади.

Токчада турган соат жонжаҳди билан жиринглай кетди. Эр эснаганча соат тугмачасига қўл чўзди, кўзларини ишқалай-ишқалай ён-верига аланглади.

— Адол!

Нариги уйдан хотинининг «Ҳм?..» деган овози эшитилди. Бирпасдан кейин эшикда ўзи пайдо бўлди.

— Бўлмайсанми? — дея эри негадир хижолатомуз илжайди.

— Ёмғир ёғаяпти-ку, — деди у, аммо ўзи умидвор кўзларини эрига тикди. Назарида бирдан яна осмонда турли-туман пуфаклар ела кетди.

Ташқарида эса ёмғир ёмоқда.

— Ҳе, — дея яна илжайди эри, — кийин дарров, тош ёғмайдими!..

**Маъсума АҲМЕДОВА**

*«Ishonch» хатжилдидан*

# Сўз кўрки — мақол

Мақоллар асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Уларда халқимизнинг дунёқараши, жамиятдаги воқеликка муносабати ифодаланади.

Ёш авлодни тарбиялашда, фаровон турмуш барпо этишда, камолотга эришишда мақолларнинг аҳамияти катта. Айниқса, ватанни севиш, уни душманлардан мудофаа қилиш, юртга содиқ фарзанд бўлиш ҳақидаги мақоллар ёшларимиз тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Она юртинг омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас.

Бошқа мақолларда меҳнат улуғланади, бир-бирига кўмаклашиш, кенгашиб ишлашнинг афзаллиги таъкидланади.

Ҳунарли киши хор бўлмас. Куч — бирликда.

Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз. Уларга амал қилган ҳар бир инсоннинг кўнгли ёришиб, эзгулик қилишга ошиқади. Кимки гапига мақол қўшиб гапирса, бошқалар унинг суҳбатига шошадилар.

Мақоллар — ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўлмас бўлаги экан, уларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслик шарт!

**Дилобар ЖЎРАЕВА**



# Ватан ҳақида сўз

Бу сўз ер юзидаги жамики халқлар учун азиз.

Ватан нима ўзи? У она алласи таралган, бешигингнинг излари синган маскан. Ёшлигингда тенгдошларинг билан кўмилиб ўйнаган тупроқ. Киндик қонинг тўкилган замин. Салом берсанг одамлари ўша тилда алик оладиган юрт.

Ватан ҳақида гапирарканман, қалбимда ажиб туйғулар жўш уради. Бу муқаддас замин ҳақида қанча гапириб, эшитсанг ҳам оз. Инсон қаерда туғилиб ўсган бўлса, ўша жойни шак-шубҳасиз қўмсайди. Халқимиз ҳамиша ватан туйғусини ҳамма нарсадан устун билиб келган.

Мамлакат равнақига ҳисса қўшиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**Дилноза Жуманиёзова,**
**Мирзо Улуғбек туманидаги**
**279-мактаб ўқувчиси**

# Сардоба ҳақида ҳикоя



***Қадимда савдо карвонлари ўтган йўл ёқаларида йўловчилар ҳордиқ чиқариши учун сардобалар қурилган. Улардан бири ҳозирги Сардоба тумани ҳудудида бунёд этилган. Мустақиллик даврида мазкур тарихий ёдгорлик таъмирланди. Бугунги кунда у нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижий сайёҳлар учун ҳам зиёратгоҳга айланди.***

Сирдарё сардобасининг тарихи жуда қизиқарли ва ғоят қадимий. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, у милоддан олдинги IX асрда Сўғдиёна давлатидан мустақил ўлка сифатида ажралиб чиққан Уструшона ҳукмдори Сатачари III нинг ташаббуси билан қурилган ва дастлабки номи Худойсарработ бўлган. Иккинчи номи эса Самарқандқудуқ бўлиб, бу ҳақда қуйироқда алоҳида тўхталиб ўтамиз. Дастлабки энг йирик сардоба бугунги Оқолтин туманинг маркази ҳудудида бўлганлиги аниқланди. Мирзачўлнинг биринчи рус тадқиқотчиси В.Караваевнинг «Мирзачўл ўтмиши ва бугуни» номли китобида ўша сардобанинг дастлабки тасвири аниқ-равшан берилган. Унинг тўртта дарвозаси бўлган ва иккита карвон биратўла кириб, чанқоғини қондириб, сўнг кейинги икки дарвозадан чиқиб, йўлида давом этаверган.

Афсуски, Мирзачўлни ялпи ўзлаштириш даврига келиб бу сардоба харобага айланган ва текисланиб, устига пахта экиб юборилган. Ҳозирги сардоба, таъбир жоиз бўлса, аввалги сардобанинг укаси саналади. Чунки бугунгача сақланиб қолган бу иккинчи обидани маҳаллий аҳоли қариялари гумбаз деб аташади. Ўша жойдаги қишлоқнинг номи ҳам Гумбаз.

Тугал хожи Усмоновнинг гапига қараганда, Мирзачўлни ўзлаштириш вақтида айни шу ерда туяларнинг суяклари ва махсус идишлар топилган, идишлардан эса олтинлар ва кумуш буюмлар олинган. Шунинг учун бу жой илгари Олтинтепа деб аталган. Кейинчалик Семизтепа деб аталишига сабаб шуки, эрта кўклам ва баҳор пайти ўт-ўлан қалин ўсган. Маҳаллий аҳоли чорвасини шу тепаликда боққан ва қўй-қўзи ҳамда қорамол тез семирган. Маълумотларга кўра, Мирзачўл қуруқ биёбон бўлган. Ҳайратомуз бу хулосани 1869 йил 5 сентябрда Мирзачўлга келган рус армияси бош штаби зобити, ҳарбий хариташунос барон Г.Аминов ҳам тасдиқлайди. «Камина тадқиқ этган Мирзачўл, — деб ёзади Г.Аминов, — ҳақиқатан ҳам ўз номига мос. Бир қараганда ҳеч бир қизиқиш уйғотмайди, бироқ диққат билан разм солсангиз, қадимги даврларда бу маконда одамлар гавжум бўлганлиги, шубҳасиз. Масалан, қадимий ҳайдалма ер майдонлари учрайди».

Дарҳақиқат, бу ерда ўтроқ ҳаёт аломатлари ҳозиргача батамом йўқолиб кетмаган. Мирзачўлнинг жануби-ғарбидаги Жиззах яқинида жойлашган Ёғочли работи ёнида анча нураган сардоба, Сирдарё туманидаги Малик қудуқларининг қолдиқлари бу фикримизнинг яққол исботидир. Навбатдаги икки оғиз сўз соҳибқирон Амир Темур давридаги сардоба тарихи тўғрисида. Эсланг, 1365 йил май ойининг боши. Мўғулистоннинг янги хони Илёсхўжа катта қўшин тўплаб, Сирдарё бўйларига Конибодом томондан, яъни Буюк ипак йўлининг биринчи тармоғи бўйлаб бостириб келади. Соҳибқирон иттифоқдоши амир Ҳусайн билан Чиноз олдида учрашишга ва мўғулларни Мовароуннаҳр ҳудудидан сиқиб чиқаришга аҳдлашади. Самарқанддан чиққан Амир Темур қўшини Жиззахдан ўтиб, бугунги Мирзачўл сарҳадига етганда қумларга қоришиб ётган туяларнинг суякларига кўзи тушади ва қадимги Ховос қалъаси томон йўл солади. Ҳозирги Фарҳод ГЭСи қурилган жойга келиб, Сирдарё ёқалаб Чинозга ҳеч бир талофатсиз етиб боради.

Маҳаллий қарияларнинг сўзларига кўра, Амир Темур ўшанда хароба ҳолга тушган биргина сардобага дуч келган ва мулозимларига уни таъмирлаб, атрофини тартибга келтиришни буюрган экан. Ривоят қилишларича, соҳибқирон иродаси билан бу иншоотни қайта тиклаш учун одамлар Самарқанд шаҳридан шу ёдгорликка қадар бир сафга тизилиб, пишиқ ғиштни қўлдан қўлга узатиб етказишган. Иккинчи номи — Самарқандқудуқ шу тарзда пайдо бўлади.

Яна бир далилни келтириб ўтмасак, Сирдарё сардобасига оид ҳикоямиз тўлиқ бўлмай қолиши аниқ. 1910 йилларда Туркистон генерал-губернаторлигининг ер қурилиши ва деҳқончилик бош бошқармаси бошлиғи, «Туркистон ўлкаси» номли китоб муаллифи князь В.Масалский ёзган экан: «Мирзачўлга йўлингиз тушса, узоқдан ўтаётган савдо карвонига кўзингиз тушади ва сизни кўрган заҳоти қадамини жадаллаштирганини сезасиз. Сабаби шундаки, сув сўрайди деб туякашлар ташвишга тушиб қолади. Биргина сардоба чўлнинг қоқ ўртасида савлат тўкиб турибди. Агар унга эсономон етиб борсангиз, кимсасиз биёбонда нобуд бўлмайсиз. Зеро, бу сардоба — ягона ҳаёт манбаи».

Хулоса қилиш мумкинки, қайси даврда қандай аталганидан қатъи назар, мазкур сардоба асрлар мобайнида савдо-сотиқ ривожига, юртимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилган. Ҳозирги вақтда эса тарихий ёдгорликка айланиб, кишиларни эзгуликка, эл-юртга ҳалол хизмат қилишга даъват обидаси сифатида янги вазифани ўтаяпти.

**Пиримкул**
**ДЎСТМУҲАММАД**

## Дзюдо

# Бир ойда бир олам мусобақа

Апрел дзюдочиларимиз учун мусобақаларга бой тарзда кечди.

Миллий терма жамоамиз Жанубий Кореяда навбатдаги Осиё чемпионатида Олимпиада йўлланмаси учун баҳс олиб борган бўлишса, ўсмирлар ва ёшларимиз турли халқаро турнирларда иштирок этишди. Дастлаб, қитъа чемпионати ҳақида. Моҳир курашчи Абдулла Тангриев барча рақибларини мағлуб этиб, Осиё чемпионатининг олтин, Хуршид Набиев кумуш, Мария Шекерова кумуш ва бронза медалларига ҳамда "Пекин-2008" йўлланмаларига эришишди. Бундан ташқари, Сеулда ҳамюртларимиз Ўткир Қурбонов, Мирали Шарипов, Шокир Мўминов, Ришод Собиров ҳамда Зиннура Жўраева учун ҳам Хитойга чипта буюрилади.

Шунингдек, Бишкекда 1990-92 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида К.Космалиев хотирасига бағишланган халқаро турнирда Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиларидан таркиб топган жамоа муваффақиятли қатнашди. 60 кг вазнда курашган Габит Есинбетов, 90 кг.даги вакилимиз Отабек Жумашев ҳамда +90 кг.да Беҳзод Саҳатов мусобақанинг олтин медалларига эришган бўлса, Акмал Мадетов (81 кг) кумуш, Зиёвуддин Эгамбердиев (66 кг) ва Арнур Сарсенбоев (+90 кг) бронза медалларини қўлга киритишди.

Габит Есинбетов яна бир мусобақа — Қарши шаҳри мезбонлик қилган нуфузли халқаро турнирда ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирди ҳамда якунда кумуш медал билан тақдирланди. Миллий терма жамоанинг эртаси деб қаралаётган коллежнинг 3-босқич талабалари Юрий Хабаров, Беҳзод Қулматов эса бронза медалига сазовор бўлди. Бундан ташқари, коллеж ўқувчиси, ёшлар термаси аъзоси Муҳаммадюсуф Ҳайдаровнинг Германияда ўтган нуфузли халқаро турнирдан бронза медали билан қайтгани эътиборга молик. Бундан ташқари, яқинда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида В.Клабуцкой хотирасига бағишланган турнирда ЧОЗКнинг 1993-94 йилларда туғилган полвонлари Рамазон Дўсбеков (42 кг) олтин, Алишер Абдураимов (42 кг). Ислом Комилов (46 кг), Отабек Ҳамидов (50 кг), Шаҳзод Эшқобилов (73 кг) бронза медаллар соҳиби бўлишди.

Яқинда бўлиб ўтган Республика биринчилиги ҳам чирчиқликлар учун сермаҳсул ўтди. Унда Алишер Абдураимов биринчи, Ойбек Тўраев, Муҳаммадлазиз Қаюмзода, Шерзод Душанов иккинчи, Азиз Собиров, Рамазон Дўсбеков, Абдуҳофиз Абдуваҳобов ҳамда Шаҳзод Эшқобилов учинчи ўринни банд этишганди.

Эришилаётган ижобий натижалар ҳақида Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи директор ўринбосари, Ўзбекистон дзюдо федерацияси шеф- рефериси Нагманжон Мирзараҳмонов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Машғулотларни коллежнинг дзюдо бўлими бош мураббийи Борис Писаревский, мураббийлар Сервер Мурадасилов, Радик Гимаев, Азиз Тошматов, Эрнест Данилян, Эгамназар Акбаров олиб боришади. Беллашувлар эса уларнинг меҳнатини юзага чиқаришда жуда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун тез-тез мусобақаларда қатнашишга ҳаракат қиляпмиз.

## Кураш

*Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтган спорт яккакурашлари бўйича учинчи Жаҳон ўйинларида миллий курашчиларимиз ҳам иштирок этишди.*

# Навбатдаги эътироф



Ўзбекистон кураш миллий федерацияси спорт директори Мурод Дўсимбетов сафар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Бангкокда дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларидан келган делегациялар турли спорт турлари бўйича мусобақалашишди, кўргазмали чиқишлар намойиш этишди. Баҳодир Ғаниев, Ўктамжон Эргашев, Сирожиддин Шомуродов, Маматмўмин Жумаев каби кураш бўйича мамлакат ёшлар терма жамоаси аъзолари бир ҳафта давомида маҳоратларини намойиш этишди ва мухлислар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг доимий эътиборида бўлишди. Миллий курашимизга қизиқиш билдирган мутахассисларга Халқаро кураш Ассоциациясининг манзил ва телефонларини бердик. Энг асосийси, инсоний қадриятларимиз намунаси бўлган кураш кўплаб спорт турлари орасида томошабоплиги билан ажралиб туради. Бу ғуруримизни янада юксалтирди.

## Касаба уюшма спорти

# ОммаВийликка интилиб

***«Ёшлар йили» муносабати билан Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ва унинг тизимларида ҳам турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Куни кеча бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Қўриқлаш Бошқармаси тизимида хизмат қилаётган эркин ёлланган ходимлар ўртасида Бўстонлиқ туманидаги «Семурғ» оромгоҳида спортнинг шахмат-шашка ва стол тенниси турлари бўйича мусобақа ўтказилди. Ғолиблар кейинги босқичга йўлланма олишди.***

Тошкент шаҳар «Халқ банки» ходимлари ўртасида ҳам шундай мусобақа ўтказилди. Юқори ўринларни эгаллаган қатнашчилар билан Қўриқлаш бошқармаси ғолиблари беллашишди.

Ушбу мусобақаларнинг финал босқичида шахмат бўйича Қўриқлаш бошқармасининг ходимлар билан ишлаш инспектори Ш.Ражабов, стол тенниси бўйича Қўриқлаш бошқармаси ходими Г.Мустафоқулова, молия-иқтисод бўлими ҳисобчиси К.Хван фахрли биринчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**А.ҲАКИМОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ бирлашган касаба уюшма ташкилоти раиси**

## Каратэ

# «Олтин водий»

***Андижон шаҳрида каратэ бўйича «Олтин водий» халқаро турнири ташкил этилди.***

***Республикамизнинг барча вилоятлари жамоалари, Ўзбекистон миллий ва ёшлар термаси аъзолари ҳамда Қирғизистондан келган каратэчилар, жами 500 нафарга яқин спортчилар ўз омадларини синаб кўришди.***

***Мусобақа бош ҳаками Фозил Худойназаровнинг таъкидлашича, турнирда кутилганидек, мамлакат миллий ва ёшлар терма жамоаси аъзолари фаоллик кўрсатишган.***

***Вилоятларда ҳам каратэчиларнинг савияси ўсгани кузатилган.***

***Энди май ойида миллий терма жамоанинг биринчи таркиби Германияда ўтадиган халқаро турнирда, иккинчи таркиб эса Украина очиқ чемпионатида қатнашади.***

## Фудокан-каратэ

# Ёш тоифасига кўра жанг



2006 йилнинг 29 декабрида Ўзбекистон Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган Республика Фудокан-каратэ федерацияси жойларда ушбу спорт турини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

Бугунга келиб, фудокан-каратэ билан мамлакатимизнинг Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Жиззах, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимизда шуғулланишмоқда.

Бу спортнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда жанглар ёш тоифаларига кўра ўтказилади. Вазн тоифаси йўқ. Бу эса баҳсларнинг жуда қизиқарли ўтишини таъминлаш билан бирга, спортчидан катта маҳорат талаб этади.

Биз бугун Самарқанд вилоят фудокан-каратэ федерацияси ҳақида сўз юритамиз.

Вилоят федерациясига спорт жонкуяри Бахтиёр Ҳакимов раҳбарлик қилади. Ёшлигида тош кўтариш, кураш, волейбол спорт турларига қизиқиб, турли мусобақаларда иштирок этган Бахтиёр аканинг бугун тўрт нафар ўғли каратэнинг фудокан йўналишида таниқли спортчиларга айланишган. Улуғбек, Ойбек, Фаррух ва Умиджон Ҳакимов спортчи сифатида республика мусобақаларида яхши натижаларга эришгач, уларнинг издошлари ҳам кўпайди. Бугун ака-укалар вилоятда ушбу спорт турини ривожлантиришда отасига асосий кўмакчи. Яқинда Жаҳон фудокан-каратэ федерацияси томонидан олти нафар ҳамюртимизга, жумладан, Ашраб Акромов, Шокир Низомов, Фарид Умрзоқов ҳамда Ойбек, Фаррух ва Умиджон Ҳакимов қора белбоғ 1-дан соҳиби бўлишди.

Айни чоғда Бахтиёр аканинг саъй-ҳаракатлари билан Самарқандда фудокан-каратэ бўйича қатор мусобақалар ташкил этилмоқда. Жумладан, ҳар йили турли касбларда фидойилик билан ишлаган азиз инсонлар хотирасига бағишланиб, «Барҳаёт сиймолар» турнири ўтади. 23-24 фералда ўтган вилоят очиқ турнирида Самарқанд, Жиззах, Навоий Сурхондарё вилоятларидан 100 нафардан зиёд фудоканчилар иштирок этишди.

— Ватанимиз байроғини юқори кўтариш, соғлом авлодни тарбиялаш асосий мақсадимиздир,— дейди Бахтиёр Ҳакимов. — Ёзда вилоят чемпионати, кузда туманларда очиқ турнирлар ўтказиш анъанага айланган. Федерация ишларини юргизишда спорт фидойиси Фахриддин Зоировнинг ёрдами катта бўляпти. Мана апрел ойи бошида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида Самарқанд вилоят терма жамоаси 9 та олтин, 12 та кумуш ҳамда 8 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумякунда биринчи ўринни олишди.

## Юнон-рум кураши



# Кучлилар ва абжирлар Тошкентда

Пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуасида ёшлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон биринчилиги янги чемпионларни кашф этди. Икки кун давомида «Динамо»га йиғилган мухлислар чин маънода яйрашди. Полвонлардаги терма жамоага кириш, халқаро мусобақаларда Ватан шарафини ҳимоя қилиш иштиёқи барчани хушнуд этди.

Мусобақада қуйидаги спортчилар шоҳсупадан ўрин олишди:

50 кг. Акром Исоқов (Самарқанд).
55 кг. Бобур Зайлобиддинов (Фарғона).
60 кг. Аббос Асланов (Тошкент).
66 кг. Равшан Одилов (Тошкент).
74 кг. Азизбек Муродов (Тошкент).
84 кг. Рустам Султонов (Тошкент).
96 кг. Артур Бердимуродов (Навоий).
120 кг. Шерод Ургучев (Навоий)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчиликда Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган полвонларнинг барчаси Республика Олимпия заҳиралари коллежи ўқувчилари эди.

Фурсатдан фойдаланиб, коллежнинг юнон-рум кураши бўйича бош мураббийи Олим Қурбоновнинг фикрларини ёзиб олдик.

***— Олим ака, шогирдларингиз анча сермаҳсуллик кўрсатишди. Мусобақага тайёргарлик жараёнлари ҳақида гапириб берсангиз...***

— Республика Олимпия заҳиралари коллежида мамлакат ёшлар ва ўсмирлар терма жамоалари аъзолари таҳсил олишади. Шу боисдан, ўқувчилар ҳафтада икки бор мамлакат терма жамоа аъзолари билан ҳам машғулотларда қатнашади. Албатта, бу ҳам ўз самарасини бермасдан қолмайди.

***— Бугунги чемпионлар жорий йилда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркибида халқаро майдонга чиқишади, шундайми?***

— Июл ойи бошида Қатар пойтахти Доха шаҳрида ёшлар ўртасида Осиё биринчилиги, ой охирида эса Истамбулда жаҳон чемпионати ўтади. Асосий эътибор, ушбу мусобақаларга яхши ҳозирлик кўриш ва муваффақиятли қатнашишга қаратилган.

**Саҳифа материалларини Акмал АБДИЕВ тайёрлади**



# Сербия ён бергандай бўлаяпти

***«France Presse» агентлигининг хабар беришича, сешанба куни Европа Иттифоқи ва Сербия ўзаро яқинлашиш тўғрисидаги битимни имзолади. Мазкур ҳужжат Сербиянинг евроиттифоққа кириш йўлидаги дастлабки қадами бўлиши мумкин.***

Бироқ Белгия ва Голландиянинг қаршилиги боис ЕИга аъзо мамлакатлар томонидан мазкур битим ратификация қилинмади. Чунки ушбу икки давлат Сербиядан босниялик серблларнинг собиқ етакчиси Ратко Младични ҳибсга олиш ва халқаро трибуналга топширишни талаб қилмоқда.

Шунга қарамай Сербия ташқи ишлар вазири Вук Йеремич битим имзоланишини тарихий воқеа деб баҳолаб, ўз мамлакати Евроиттифоққа аъзо бўлишига ишончи комил эканлигини билдирди.

Йеремич ҳам, Сербиянинг яқинда сайланган президенти Борис Тадич ҳам илгари бир неча марта ЕИни ушбу битимни имзолашга даъват қилган эди. 11 майда бўлиб ўтадиган парламент сайловида мазкур факт Тадич бошқараётган Демократик партиянинг бош вазир вазифасини бажарувчи Воислав Коштуница қўллаб-қувватлаётган миллатчилар устидан ғалаба қозонишига сезиларли даражада таъсир қилиши мумкин. Коштуница Евроиттифоқ Косово масаласида фикрини ўзгартирмас экан, у билан музокарага киришмаслик керак деб ҳисоблайди.

Ёдингизда бўлса, 2008 йил 17 феврал куни ўз мустақиллигини эълон қилган Косовони ЕИга аъзо бўлган аксарият давлатлар тан олган эди.

# Наркотик ихтирочиси вафот этди



Швейцариялик машҳур кимёгар, ЛСД наркотик моддаси (диэтиламид лизергин кислотаси) ихтирочиси Алберт Хофманн сешанба куни Базелдаги уйида 102 ёшида вафот этди.

Олим мазкур моддани 1938 йили лизергин кислотасининг хоссаларини ўрганиш жараёнида кашф этган. ЛСД 1950-йиллар ва 1960-йилларнинг бошларида АҚШ ва Буюкбританияда барча руҳий касалликларни даволашда кенг қўлланган. Бироқ АҚШда жамоатчилик норозилиги кучайиб бориши туфайли ушбу моддани қўллаш таъқиқланганидан сўнг 1965 йили «Sandoz Laboratories» компанияси ЛСД ишлаб чиқаришни буткул тўхтатди. Хофманнинг фикрича, ушбу таъқиққа ҳукуматнинг бошбошдоқликка мойил ёшларга қарши курашиш сиёсати сабаб бўлган.

Умрининг охирги йилларида олим Швейцария ҳукуматидан ЛСД қўлланадиган тиббий тажрибаларни тиклаш учун рухсат олган эди. Аммо ишга киришишга улгурмади.

«Synectics» компанияси сайёрамизда яшаётган юзта даҳони аниқлаш учун 2007 йили Буюкбританияда ўтказган сўровда Алберт Хофманн биринчи ўринни эгаллаган.

# 25 километрлик кўприк

Бугунги кунда унча-мунча қурилиш инсониятни ҳайратга солмай қўйди. Аммо қуйидаги янгилик кўпчиликни беэътибор қолдирмаса керак.

Буюкбританиянинг Жерси ороли ва Франциянинг Нормандия вилояти ўртасида қуриладиган кўприк лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унинг ташаббускори Жерси савдо палатасининг собиқ президенти, бизнесмен Петер Уолш ҳисобланади. Нормандиядан 25 км. узоқликда жойлашган, узунлиги 14, эни 8 километрлик оролда 91 минг киши истиқомат қилади. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун қитъага паромда мунтазам равишда қатнайди. Швеция ва Данияни боғловчи шунга ўхшаш лойиҳаларга асосланган Уолшнинг ҳисоб-китобига кўра кўприк қурилишига икки млрд. долларга яқин маблағ сарфланади. Кўприк орқали бир пайтнинг ўзида газ қувури ва оптик толали кабел ҳам ўтказиш мўлжалланган.

Ушбу кўприк қурилишига Жерси ҳокимиятидагилар ва Франция президенти Николя Саркози ҳам қизиқиш билан қарамоқда.

Кўприкни хусусий компаниялар қуриб, унинг эксплуатациясини ҳам заммасига олишади. Харажатлар бир неча йилда қопланади.




# Ҳамма гапга ҳам ишонаверманг...

19 апрел куни бортида фазогирлар Юрий Маленченко, Пегги Уитсон ва Йи Сойон бўлган «Союз ТМА-11» космик кемаси фавқулодда ҳолатда ерга қўнган эди. Қўниш жараёнида кема кутилмаганда баллистик режимга ўтган. Натижада, ҳеч кимга шикаст етмаган бўлса-да, фазогирлар кучли юкламани бошдан кечирган эдилар.

29 апрелда эса бир қатор оммавий ахборот воситаларида жанубий кореялик биринчи фазогир аёл Йи Сойон елкасидаги кучли оғриқ боис касалхонага ётқизилганлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлди.

Шу муносабат билан Москва яқинидаги Фазогирларни тайёрлаш маркази вакили журналистларга берган интервьюсида Йи Сойоннинг хасталиги ҳақидаги хабарларни рад этди. Унинг гапига қараганда, фазогирларнинг бирортаси ҳам соғлигидан шикоят қилмаган. Чуқур текширувлардан сўнг соғлиғида ҳеч қандай ўзгариш қайд этилмаган Йи Сойон ватанига жўнаб кетган.



# «Airbus» ходимлари иш ташлади

Франциядаги «Airbus» заводларининг ходимлари ҳафта мобайнида иккинчи марта иш ташлади, деб хабар беради AFP агентлиги. Ишчилар мамлакатдаги иккита заводнинг сотилишини назарда тутувчи корхона тузилишини ўзгартириш режасидан норози. Улар ўзгаришлар Германиядаги сингари ўтказилишини талаб қилишмоқда. У ерда заводлар сотилмай, махсус холдинг ташкил қилинган эди.

Тулузадаги заводда уюштирилган иш ташлашда 7000 га яқин киши қатнашди, айни пайтда Сен-Назерда 1000 киши, Молтда эса 500 киши намойишга чиқди. Икки соатлик иш ташлаш касаба уюшма етакчилари ва «Airbus» раҳбари Фабрис Брежье ўртасида бўлиб ўтган музокара вақтига тўғри келди. Томонлар келишувга эриша олмади, компания эса Франциядаги икки заводига харидор қидиришда давом этмоқда. Режа амалга ошса, 2010 йилга бориб 10 минг киши ишдан бўшатилади.

# «Каминанинг размери, валлоҳу аълам...»

Эстониялик бир гуруҳ олимлар вужудининг шаклини ўзгартиришга қодир робот-манекенни яратишди. Уни ишлаб чиқишга Таллинн техника университети биоробототехника профессори Маария Круусмаа ҳамда Тарту университети полимер материаллари технологияси профессори Алво Ааблоо бош-қош бўлишди.



Роботнинг танаси 32 та мослашувчан қисмдан иборатлиги боис у ҳар қандай инсон фигурасини намойиш эта олади. Унинг буюртмачиси, тадбиркор Хейкки Халдренинг фикрига кўра, шундай манекеннинг хотирасига минг нафар эстоннинг ўлчамлари киритилса, кийим-кечак ишлаб чиқарувчилар учун янада бозорбоп маҳсулот тайёрлаш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, худди шундай манекенлар ўрнатиладиган ательеларнинг мижозлари ўлчов олдириш ташвишидан қутуладилар.



# Ўт балоси

***Халқимизда ўт балосидан, сув балосидан асрасин деган гап бор.***

АҚШнинг Калифорния штати жанубида юз берган ўрмон ёнғини боис камида минг киши уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлди, деб хабар беради AP агентлиги. Маҳаллий ҳокимиҳт вакилларининг гапига қараганда, ўрмон яқинидаги 550 га яқин уй ёнғин хавфи остида қолган. Лос-Анжелес шаҳридан 30 км. шимоли-шарқда, Сьерра-Мадре туманида пайдо бўлиб, 140 гектар ерни қамраб олган ёнғинни ўчириш учун 550 нафар ўт ўчирувчи жалб қилинган. Улар иккита махсус вертолётдан ҳам фойдаланмоқда.

Сьерра-Мадредаги ёнғин бу йил ҳисобидан биринчиси. 2007 йил октябр ойида юз берган ўрмон ёнғинларини штат аҳолиси ҳали унутгани йўқ. Ўшанда бир миллиондан ортиқ киши яшаш жойларидан кўчирилган, Калифорнияда фавқулодда ҳолат эълон қилинган, оловни ўчиришга миллий гвардия жалб қилинган эди.

# Фикрлар хилма-хил

Нью-Йоркдаги «Stony Brook» университети жарроҳи Тодд Резенгартнинг сўзларига қараганда, мобил қурилмалардан фойдаланиш аллергияга олиб келиши мумкин. Териси таъсирчан одамларга портатив плеерлар ва уяли телефонлардан тарқаладиган электромагнит нурлар салбий таъсир кўрсатади. Бундан эса терида тошмалар пайдо бўлади. Уяли телефон ёки плеер аллергияси бор кишиларда аллергия мойиллиги кучайтиради.

Шунингдек, доктор Резенгартнинг таъкидлашича, плеер ва уяли телефонлар корпуси ва батареясидаги никел қичима касаллигини келтириб чиқаришининг эҳтимоли катта.

Илгари баъзи тадқиқотчилар уяли телефонларнинг электромагнит нурланиши кишиларнинг соғлиғига салбий таъсир қилиб, саратонга сабаб бўлиши мумкинлигини билдирган эди. Бироқ 2006 йилнинг охирларида даниялик олимлар 400 мингдан зиёд абонент иштирокида тадқиқот олиб бориб, юқоридаги фикрнинг асоссизлигини исботладилар.

**Интернет хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади**

Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси МКнинг Самарқанд вилоят бўйича вакиллиги бўлим мудири Рўзимурод Шокирова опаси **МУҚАДДАМ она**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

